

МУСУЛМОН ЖАМИЯТЛАРИДА ТИНЧЛИКНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОРУМИ (БАА)

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

# ИСЛОМ ДИНИДА ТИНЧЛИК



САМАРҚАНД – 2023

**УЎК 28**  
**КБК 86.38**  
**И-80**

Ислом динида тинчлик. Масъул муҳаррир Ш. Зиёдов. – Самарканд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2023. – 112 бет.

Ушбу рисолада Аҳли сунна вал жамоа уламоларининг Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида ислом динида тинчлик ва бағрикенглик тушунчаси, тинчликка тарғиб, мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари орасидаги муносабатлар каби ижтимоий масалалар ҳақидаги қарашлари жамланган.

Китоб олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг  
2023 йил 26 апрелдаги 03-07/2981-рақамли хулосаси асосида  
нашрга тайёрланди.*

**УЎК 28**  
**КБК 86.38**

**ISBN 978-9943-5289-7-0**

**© Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2023**

## КИРИШ

Инсониятнинг дунё ва охирати саодатли бўлиши учун унга тинчлик-омонлик маъносидаги Ислом динини инъом қилган Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин!

Раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ барча оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг оила аъзоларига, саҳобалари ва тобеинларга салавоту саломлар бўлсин!

Дарҳақиқат, Ислом тинчлик-омонлик, меҳр-шафқат динидир. Ислом умматининг ҳидоят сари йўлбошловчиси ва охиратда шафоатчиси бўлган Пайғамбар алайҳиссалом раҳмат қилиб юборилганлар. Аллоҳ таоло бу хусусда: “(Эй Муҳаммад!) **Биз Сизни (бутун) оламларга айна раҳмат қилиб юборганмиз**” (Анбиё сураси, 107-оят), деган. Барчамизга яхши маълумки, Пайғамбар алайҳиссалом гўзал ахлоқ-одобларни олиб келганлар. Бу ҳақда у зотнинг ўзлари: “*Мен гўзал хулқларни камолига етказиш учун пайғамбар қилиб юборилдим*”, деганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам оламларга раҳмат ва инсон ахлоқини камолга етказиш учун келган эканлар, бу дин орқали

тинчлик ва омонликдан бошқасига тарғиб қилишлари мумкин эмас.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уруш маъносидаги исмларни беғуборига, чиройлисига алмаштиришни яхши кўрганлар. Бунинг далили Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисдир: “Ҳасан туғилганида, унга Ҳарб деб исм кўйдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб: *“Менга ўғлимни кўрсатинглар. Унга қандай исм кўйдингиз?”* дедилар. Мен: “Ҳарб”, дедим. *“Йўқ, у Ҳасандир”*, дедилар. Ҳусайн туғилганида, яна Ҳарб деб исм кўйдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб: *“Менга ўғлимни кўрсатинглар. Унга қандай исм кўйдингиз?”* дедилар. Мен: “Ҳарб”, дедим. *“Йўқ, у Ҳусайндир”*, дедилар. Учинчи фарзандим туғилганида, унга Ҳарб деб исм кўйдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб: *“Менга ўғлимни кўрсатинглар. Унга қандай исм кўйдингиз?”* дедилар. Мен: “Ҳарб”, дедим. *“Йўқ, у Муҳассиндир”*, дедилар. Сўнг: *“Мен уларга Ҳоруннинг фарзандлари – Шаббар, Шабир ва Мушаббирнинг исмларини кўйдим”*, дедилар” (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳарб – уруш, жанг маъноларини англатади. Пайғамбар алайҳиссалом уруш ва адолатсизликни қанчалик ёмон кўрган бўлсалар, тинчлик ва адолатни шунчалар яхши кўрганлар. Чунки у зот олиб келган дин, ҳатто ғайридинлар билан ҳам яхши муомалада бўлишни буюради. Аллоҳ таоло бу хусусда:

**“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (хайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар”** (Мумтаҳана сураси, 8-оят), деган.

Ислом дини фақат бир ҳолатдагина урушга рухсат берган. У ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларида ифода этилган вазиятдир:

**“Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай”** (Бақара сураси, 190-оят).

Эътибор берадиган бўлсак, Ислом динида адолат ва инсонпарварлик қоидаларига ҳатто жанг асносида ҳам риоя қилинади. Аллоҳ таоло ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаддан

ошмаслик ва тажовузкорликка ўтмасликка буюради. Бу эса Исломнинг тинчлик, омонлик ва инсонпарварлик дини эканидан далолатдир.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази тақдим қилаётган ушбу “Ислом динида тинчлик” китобини ўқир экансиз, юқоридаги фикрлар нақадар тўғрилигига яна ишонч ҳосил қиласиз.

Ушбу асар Бирлашган Араб Амирликларидаги Тинчлик форуми раиси, етук уламо Абдуллоҳ ибн Байя таҳрири остида чоп этилган “Тинчлик” китоби асосида нашрга тайёрланди. Унда Тоййиб Ламинвар, Мухаммад Мухтор Валд Умбола, Шафик Лома Саид Кифоятй, Абдуллоҳ ибн Шайх Маҳфуз ибн Байя, Мустафо Самадий ва Ҳасан Изкийт каби етук уламоларнинг мақолалари ўрин олган.

Умид қиламизки, бу юртимиз тинчлиги, халқимиз маънавиятининг юксалиши йўлида барчамизга фойдаси тегадиган асар бўлади. Имом-хатиблар ва маънавият-тарғибот соҳаси ходимларига ташвиқот ишларида фойдаланишда муҳим қўлланма бўлиб қолади.

## ИСЛОМДА ТИНЧЛИК ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?<sup>1</sup>

Инсоният яратилганидан буён икки ғоя орасида яшаб келмоқда. Бир-бирига зид бу ғояларнинг бири бунёдкор, иккинчиси вайронкор. Бунёдкор ғоя билан инсонлар катта ютуқларга эришган. У барқарор бўлган жамиятда дунё халқлари бир-бири билан бағрикенглик муносабатида бўлганлар, ҳамжихатликда ҳаёт кечирганлар. Ҳатто қариндошлик ришталарини боғлаганлар.

Бунинг акси бўлган вайронкор ғоя ҳамма вақт жамиятдаги тинчлик тамойилларини бузиб, миллат ва элатлар орасига адоват ва гина уруғларини сочиб, уруш алангасини ёққан.

Вайронкор ғоя улғайиб келаётган ёшлар учун хавфлидир. Нафақат улар, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси тинчликдан оғишса, беқарорлик юзага келади.

Ҳозирги кунда бир-бирига зид бўлган бу икки тушунчани тўғри талқин қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Вазият бу ғояларнинг ижобий ва салбий томонла-

---

<sup>1</sup> Тоййиб Ламинварнинг “Вазифа ва мақсадларни англашдаги тинчлик тушунчаси” мақоласи асосида тайёрланди.

рини инсонларга Қуръон ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари асосида тушунтиришни тақозо этмоқда.

Қуръони каримда мусулмонларни бунёдкор ғояларга тарғиб қилувчи бир қанча оятлар келган. Биз “السَّلَامُ” [ас-силм] – “тинчлик” лафзининг турли маъноларда келгани ва Аллоҳ таоло бу лафз билан мусулмонларни жамиятда тинчлик ўрнатишга тарғиб қилганига тўхталамиз.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ادْخُلُوا فِي السِّلْمِ كَافَّةً﴾

**“Эй иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича кириг!”<sup>2</sup>**

﴿وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلْمِ فَاجْنَحْ لَهَا﴾

**“(Эй Муҳаммад) агар улар сулҳга мойил бўлсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг”<sup>3</sup>.**

“السَّلَامُ” лафзининг ўзаги бўлган “السلام” [ас-салом] сўзи Қуръонда олти ўринда, баъзида охиратда мўминлар кирадиган жаннат, бошқасида салом бериш маъносида келган.

﴿لَهُمْ دَارُ السَّلَامِ عِنْدَ رَبِّهِمْ﴾

<sup>2</sup> Бақара сураси, 208-оят.

<sup>3</sup> Анфол сураси, 61-оят.



**“Улар учун Парвардигорлари ҳузурида тинчлик диёри (жаннат) бордир”<sup>4</sup>.**

﴿وَلَقَدْ جَاءَتْ رُسُلُنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبُشْرَىٰ قَالُوا  
سَلَامًا ۗ قَالَ سَلَامٌ ۗ﴾

**“Иброҳимга элчиларимиз (фарзандли бўлиши ҳақида) хушxabар келтирдилар ва “Салом!” дедилар. У ҳам “Салом!” деди”<sup>5</sup>.**

Демак, Аллоҳ таоло мўминларга:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلَامِ ۗ﴾

**“Эй иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича кириш!”** деб, диннинг барча аҳкомларини қабул қилган ҳолда Исломга киришни амр қилмоқда.

Бу тинчлик-омонлик дини экани бошқа оятларда ҳам билдирилган. Аллоҳ таоло Қурайш аҳлига тинчлик неъматини миннат қилиб:

﴿الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مِنْ جُوعٍ وَءَامَنَهُمْ مِنْ خَوْفٍ﴾

**“Зеро, (У) уларни очликдан (қутқариб) тўйдирди ва хавф (ва хатар)дан хотиржам қилди”<sup>6</sup>** деди. Ундан олдин:

<sup>4</sup> Анъом сураси, 127-оят.

<sup>5</sup> Худ сураси, 69-оят.

<sup>6</sup> Қурайш сураси, 4-оят.

﴿فَلْيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ﴾

“Улар мана шу Уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар”, деб айтди ва уларга ибодат қилишни буюрди. Бунда икки неъматни – тўкин-сочинлик ва тинчликни сабаб қилиб келтирди. Чунки ибодат неъмат берувчига шукр ҳисобланади.

Яна Аллоҳ таоло:

﴿مَقَامُ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ آمِنًا﴾

«...“Мақоми Иброҳим” бордир. Унга (Каъбага) кирган киши омонда бўлур»<sup>7</sup>, деган сўзи билан мусулмонлардан ким Байтул ҳаромга кирса, хавфу хатардан холи бўлишининг хабарини беряпти. Бу жумла хабарий бўлса-да, баъзилар унга иншоий (талабни англатиш), яъни “Ким Байтул ҳаромга кирса, Аллоҳга иймон келтирсин”, деб маъно берган. Аммо буни хабарий жумла деб тушуниш фойдалидир. Чунки оятда аввалги оятлардаги каби ижтимоий тинчлик назарда тутиляпти. Буни “السلام” маъносидан ажратиб бўлмайди.

---

<sup>7</sup> Оли Имрон сураси, 97-оят.

Бу ўринда бизга аҳамиятли бўлгани “السلم” лафзи бўлиб, у ҳақда муфассирлар қуйидаги фикрларни билдирган.

Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Аллоҳ таолонинг ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلَامِ كَافَّةً﴾ оятидаги “السلم” касра билан ўқилса Ислом дини назарда тутилади, “السلم” деб фатҳалик ўқилса, “сулҳ” маъносини беради”<sup>8</sup>.

Али ибн Муҳаммад Мовардий бундай фикр билдирган: “Оятдаги “السلم”га салаф уламолари икки хил маъно берган. Биринчиси: “Исломга киринглар” маъносида. Бу Ибн Аббос, Мужоҳид ва Заҳҳокнинг фикри. Иккинчиси: “Тоатга киринглар” маъносида бўлиб, у Робиа ва Қатоданинг сўзи”<sup>9</sup>.

Имом Замахшарий “Кашшоф” асарида “السلم”ни иккинчи – “итоат қилиш” маъноси билан тафсир қилган. Биринчи мазмунни қабул этмаган<sup>10</sup>.

Ибн Атийя Андалусий тафсирида икки маънони ҳам қабул қилган. Биринчиси,

<sup>8</sup> Таъвилоту аҳли сунна. Босулум таҳқиқи остида. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2005. Ж. 2. – Б. 102.

<sup>9</sup> Али ибн Муҳаммад Мовардий. Ан-нукту вал ъуюн. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2005. Ж. 1. – Б. 267.

<sup>10</sup> Маҳмуд Замахшарий. Ал-Кашшоф. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2005. Ж. 1. – Б. 252.

Ислом дини бўлса, иккинчиси, итоат маъносида<sup>11</sup>.

Имом Табарий айтади: “Оятдаги “السلم”ни фатҳа билан ўқиганлар бу лафзни келишув маъносига бурганлар. Шунда мазмуни: “Урушни тарк қилиб, сулҳ ва келишувга ҳамда жизя олишга киришинглар” бўлади”<sup>12</sup>.

Юқоридаги фикрлардан шу муфассирларнинг барчаси битта маънода иттифоқ бўлгани ойдинлашади. У ҳам бўлса, Ислом динига кириш бўлиб, бунинг негизида бўйсунуш, сулҳ тузиш ва келишиш маънолари ётади. Булар билан биринчи маъно орасида ҳеч ҳам қарама-қаршилик йўқ. Чунки Ислом дини бу маъноларнинг барчасини ўз ичига қамраб олади. Зеро, сулҳ, итоат ва келишиш “السلم” – “тинчлик” учун хизмат қиладиган тамойиллардир.

Имом Розий оятдаги “السلم”ни юқоридаги оятларга боғлаб, бундай ёзган: “Аллоҳ таоло бу суранинг аввалида ер юзида бузғунчилик, гина, адоват уруғини сочадиган ва келажак авлодни пароканда қилиш учун югуриб-елиб юрадиган мунофиқлар ҳақида ҳикоя қилган.

---

<sup>11</sup> Ибн Атийя Андалусий. Ал-муҳаррирул важизу фи тафсирил китабил азиз. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2002. Ж. 1. – Б. 282.

<sup>12</sup> Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Жомиъул баён фи таъвиллil Қуръан. – Муассасатул рисола, 2000. Ж. 4. – Б. 253.

Кейин мусулмонларни бу салбий ишлардан қайтиб, Ислом таълимотига мувофиқ келадиган ижобий амалларга буюриб: **“Эй иймон келтирганлар, Исломга тўлиғича киринг!”** деган<sup>13</sup>.

Демак, бу оятда мўминлар ер юзида бузғунчилик қиладиган мунофиқлар феълнинг аксини бажаришга буюрилган. Бунинг натижаси ўлароқ, мусулмон киши ўзи яшаб турган жамиятни ислоҳ этишга, одамларга яхшилик ва хурсандчилик келтирадиган хайрли ишларга интилади. Вайронкор ғоялардан йироқ бўлади.

Жумхур муфассирлар “السلام” сўзига ўч олишни тарқ қилиш маъносини ҳам берган. Бунга:

﴿وَأَخَذِ الْعَفْوَ وَأُمِرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ﴾

**“Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!”**<sup>14</sup> оятини далил қилган.

Демак, муфассирлар “السلام” лафзи борасида иккита аниқ фикрдан, яъни Ислом ва келишув маъноларидан четга чиқмаган. “السلام”ни сулҳ деб тафсир қилган уламолар келишув-

<sup>13</sup> Бақара сураси, 208-оят.

<sup>14</sup> Аъроф сураси, 199-оят.

дан кейинги сулҳни назарда тутган. Эслатиб ўтиш керакки, келишув, сулҳ ва урушни тўхтатиш Ислом таълимотиدير. Бунга Аллоҳ таолонинг Пайғамбар алайҳиссаломдан ҳимоя сўраган кишига омонлик беришни таълим берган ояти далил бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ﴾

**“Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг!”<sup>15</sup>**

Маълумки, Тавба сураси Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан тузган аҳдларини бузган мушриклардан йироқ бўлиш ҳақида тушган. Шундай бўлса-да, Аллоҳ таоло Пайғамбарига мушриклардан бири ҳимоя сўраса, Аллоҳнинг каломини эшитиши учун уни ҳимоясига олишни ва тинч жойга етказиб қўйишни буюряпти. Зеро, Ислом инсонларни бағрикенг бўлишга чорлайди.

---

<sup>15</sup> Тавба сураси, 6-оят.

Бу ҳақда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари ҳам бисёрдир. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: *“Ҳақиқий мусулмон тили ва қўлидан мусулмонлар омонда бўлган кишидир. Аллоҳ таоло ман этган нарсалардан қайтган одам Аллоҳ йўлида ҳақиқий ҳижрат қилган кишидир”*<sup>16</sup>.

Демак, Ислом инсонларни аҳил, тинч-тотув бўлиб яшашга буюриб, ер юзида бузғунчилик қилишдан қайтармоқда. Тинчлик мусулмон жамиятларининг умумий мақсади бўлиб, шу орқали тараққиётга ва фаровон ҳаётга эришилади.



---

<sup>16</sup> Имом Бухорий ривояти.

## ТИНЧЛИК ШАРЪИЙ МАҚСАД, ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ЗАРУРАТДИР<sup>1</sup>

Инсоният умри давомида эзгу мақсадларга эришиш учун доимо саъй-ҳаракатда бўлади. Орзу-умиди рўёби, фарзандлари камолотини кўриши учун энг зарур омил бу, шубҳасиз, тинчлик ва осойишталикдир.

Бугунги глобаллашув жараёни ҳар биримиздан юрт тараққиёти, авлодлар келажаги ва жамиятнинг эртанги куни учун қайғуриш, тинч ва осойишта ҳаётга раҳна солаётган турли таҳдидларга биргаликда курашишни тақозо қилмоқда.

Келинг, тинчликни тарғиб қилишни уч қисмга бўлиб кўриб чиқсак:

- **биринчи** – тинчлик, диний ва дунёвий манфаатлар;
- **иккинчи** – тинчлик ва унинг Ислом фикҳидаги ўрни;
- **учинчи** – хавфсизлик ва тинчлик ўрта-сидаги боғлиқлик.

---

<sup>1</sup> Аллома Муҳаммад Мухтор Валд Умболанинг “Тинчлик шаръий мақсад, диний ва дунёвий заруратдир” номли мақоласида берилган қарашлар асосида тайёрланди.



## Биринчи қисм: тинчлик, диний ва дунёвий манфаатлар

Ислом дини ўз моҳиятига кўра, ҳақиқат, тавҳид, эзгулик, адолат, хайрихоҳлик ва бағрикенгликка чақиради. Чин маънода унинг дунёда ёйилиши инсониятга адолат, хавфсизлик ва осойишталикни инъом қилиб, уни жаҳолат, адолатсизлик, тартибсизлик ва урушлар зулматидан сақлайди. Ислом фақат инсониятни бахтли этишга хизмат қилади. Бу олий мақсадни амалга ошириш учун Ислом тарғибот, тушунтириш, далилни асослаш йўллари таянади. Динда ҳеч қандай мажбурлаш ва бўйсундириш йўқ.

Аллоҳ таоло бир неча оятларда бу ҳақда марҳамат қилган: **“Динда зўрлаш йўқ”**<sup>2</sup>, динсиз ёки бошқа диндаги одамни ўз динига мажбурлаб киритиш мумкин эмас. **“Биз Сизни (қиёматда барча умматларга) гувоҳ бўлувчи, (жаннат ҳақида) хушxabар берувчи ва (дўзах азобидан) огоҳлантирувчи этиб юбордик”**<sup>3</sup>, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга уни динга зўрлаб кирги-

---

<sup>2</sup> Бақара сураси, 256-оят.

<sup>3</sup> Аҳзоб сураси, 45-оят.

зиш эмас, балки динни тушунтириб бериш учун юборганини айтмоқда. **“Бас, (эй Мухаммад! Умматингизга) эслатинг! Зотан, Сиз (ҳозирча) фақат эслатувчидирсиз. Уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз”**<sup>4</sup>, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам, умматлар ҳам одамларни фақат тўғри йўлга чақириши мумкин. Уларни динга мажбурлаш ва устидан зўравонлик билан ҳукм юритиш Аллоҳ таолонинг амру ҳукмларига мутлақо зиддир.

Одамларни эзгуликка чақириш фақат тинчлик ва фаровонлик муҳити бўлгандагина муваффақиятга эришилади. Чунки Ислом даъвати фақат хавфсизлик ва барқарорлик шароитидагина тарқалиб, кутилган самарани бера олади. Динни ниқоб қилиб, дин ва жамият тинчлигини бузиш аслида Исломни ёмонотлик қилишга қаратилгани ойдек равшан. Бинобарин, тинчлик шариат мақсадлари ва манфаатларининг энг юқори поғонасида туради.

Инсониятнинг тинчликка эҳтиёжи сув ва ҳавога бўлган муҳтожлиги кабидир. Шунинг учун Қуръони каримда тинчликнинг ҳаётий зарурлиги ҳақида бир неча оятлар келган. Тинчлик Аллоҳ таолонинг бандаларига

---

<sup>4</sup> Ғошия сураси, 21–22-оятлар.

неъмат ва марҳаматидир. Ношукрлик эса Парвардигорнинг лаънати ва жазосига олиб боради. Ҳақ таоло айтади:

**«Аллоҳ бир шаҳарни (Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокин (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқи кенгу мўл келиб турар эди. Бас, у (аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукрлик қилгач, Аллоҳ уни (аҳолисига) бу “ҳунарлари” сабабли очлик ва хавф либоси (балоси)ни “тотиш”га мажбур этди»<sup>5</sup>;**

**“Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили) ни камайтириш йўли ила синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушxabар беринг (эй Муҳаммад)!”<sup>6</sup>;**

Курайш ҳақида бундай деган: **“Курайш (аҳли)га қулай қилиб қўйгани учун, (яъни) уларга қишда (Яманга) ва ёзда (Шомга) сафар қилишни қулай қилиб қўйгани учун мана шу Уй (Каъба)нинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! Зеро, (У) уларни очликдан (қутқариб) тўйдирди ва хавф (ва хатар)дан омон сақлади”<sup>7</sup>;**

<sup>5</sup> Наҳл сураси, 112-оят.

<sup>6</sup> Бақара сураси, 155-оят.

<sup>7</sup> Курайш сураси.

**«Эсланг, эй Иброҳим: “Эй Раббим, бунӣ (Маккани) тинчлик шаҳри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларига (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!” деганида, Аллоҳ: “(Улардан) кофир бўлганларини эса бироз ризқлантириб, сўнгра дўзах азобига мубтало этурман. Бу ўта ёмон оқибатдир”, деди»<sup>8</sup>;**

**“(Эй Муҳаммад!) эсланг, Иброҳим айтган эди: “Эй Раббим! Бу шаҳарни (яъни, Маккани) тинч қилгин, мени ва авлодларимни санамларга сиғинишдан йироқ қилгин!”<sup>9</sup>**

Бақара сурасидаги оятда Иброҳим алайҳиссаломнинг тинчлик ҳақида қилган дуоси дунё (ризқ) борасидаги илтижоси билан қўшилган. Иброҳим сурасидаги оятда эса тинчлик дуоси дин борасидаги дуо ила давом этади. Бу дин манфаатлари ҳам, дунё фойдалари ҳам тинчликка боғлиқлигидан далолат беради.

Шунинг учун у зот алайҳиссалом Макка мўминлари учун тинчлик ва кенг ризқ сўраб дуо қилган. Чунки у ерда на дарахт, на экин

---

<sup>8</sup> Бақара сураси, 126-оят.

<sup>9</sup> Иброҳим сураси, 35-оят.

ўсади. Тинчлик бўлмаса, озиқ-овқат кириб келмайди. Бусиз эса ҳаёт бўлмайди.

Бу – дунё нуқтаи назаридан эди. Аммо диний жиҳатдан олсак, юрт тинч бўлса, мўлкўлчилик келади. Шунда одамлар Аллоҳ таолога кўпроқ итоат ва ибодат қилади. Акс ҳолда, одамлар ибодатдан чалғийди ва фақат тинчликка даъват билан овора бўлиб қолади.

Бошқа томондан олганда, Аллоҳ таоло ўша Уй (Каъба)ни одамлар учун зиёрат қилиб тўймайдиган макон этган. Каъба ва унинг теваараги тинч бўлсагина одамлар у ерга бора олади. Бемалол ҳаж амалларини бажаради. Шу буюк ибодатни амалга ошириш учун, албатта, тинчлик ҳукм суриши зарур. Демак, осуда ҳаёт ва ибодатларни тўлиқ адо этиш фақат тинчлик ва осойишталик биландир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Аллоҳга қасамки, (У Зот) бу ишни охирига етказади, ҳатто отлиқ Аллоҳдан ўзгадан ёки суруви учун бўридан қўрқмаган ҳолда Санъодан Ҳазрамавтга борадиган бўлади”,<sup>10</sup>* деганлар.

Эй мўмин-мусулмон биродарлар, тинчликни пировард мақсадга айлантирайлик!

---

<sup>10</sup> Олтин силсила. Саҳихул Бухорий. Ж. 4. 3612-ҳадис. – Тошкент: Hilol nashr, 2018. – Б. 628.

Тинчлик – ҳар томон ёйилиши ва дунёни яхлит қоплаши билан комилдир. Тинчликсиз бирор нарсага эришиб бўлмайди.

### **Иккинчи қисм: тинчлик ва унинг Ислом фикҳидаги ўрни**

Мусулмон фақиҳлари хавфсизликнинг аҳамиятини барча диний ва дунёвий манфаатлар тинчликка боғлиқлиги нуқтаи назаридан сўз юритадилар. Буни давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб билганлар. Ким халқнинг тинчлик борасидаги ҳақ-ҳуқуқларини эслатса, ҳаётий зарурат бўлган озиқ-овқат таъминотидек ўта муҳим масаладан ҳам олийроқ амални бажарган бўлади. Тинчлик таъминланса, одамлар ризқ топиш, ўз юмушларини рисоладагидек бажариш имконига эга бўладилар. Тинчлик ҳукм сурмаган жойда эса буларнинг барчаси имконсиз ва кундалик ҳаёт тарзи ҳам остин-устун бўлиб кетади. Одамларда танглик юзага келиб, меҳр-оқибат йўқолади. Давлат тузимига путур етади, жамият пароканда бўлади. Тартибсизлик, бошбошдоқлик авж олади. Диний ва дунёвий манфаатлар поймол бўлади. Бунинг олдини олиш, тинчликни таъ-

минлаш давлатнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Имом Мовардий ушбу масалани раҳбарнинг халқ олдидаги вазифаси эканини таъкидлаб: “Одамлар ҳаётини ўзи бошқариши, жони ва мол-мулкини хавф-хатардан холи қолдирган ҳолда саёҳатларга бемалол бориши учун давлат ва раҳбар инсонларни ҳимоя қилиши, зарур шарт-шароитни яратиб бериши”<sup>11</sup> лозимлигини зикр қилган. Икки Ҳарами шариф имоми Абдулмалик Жувайний “Ғиёсул умам” асарида шунга ўхшаш фикрни айтган. Имом Мовардий машҳур “Адабуд дунё вад дин” асарида бундай деган: “Тинчликка эришиш бу шундай ҳолатки, унда қалблар хотиржам бўлади, ташвишлар йўқолади. Унда бегуноҳлар яшайди ва заифлар таскин топади. Зеро, кўрқиб яшаган кишида ором, хавфсираган инсонда эса хотиржамлик бўлмайди”.

Баъзи донишмандлар тинчлик энг самарали, фаровон ҳаёт, адолат эса энг кучли кўшин эканини айтган. Чунки кўрқув одамларни манфаатлардан тўсади. Маъқул ва мақбул турмуш тарзига тўсқинлик қилади. Жисму жонини хотиржам этадиган ва жами-

---

<sup>11</sup> Абулҳасан Мовардий. Ал-Аҳкомус султония. – Қоҳира: Дорул хадис, 2006. – Б. 40.

ятни тартибга соладиган моддий сабаблардан тўхтатади”<sup>12</sup>.

Ибн Ризвон Моликий “Аш-Шаҳбул ломиа фис сиёсатин нофия” асарида: “Мамлакатларнинг энг ёмони тинч бўлмаганидир”, деган.

Мовардий эса бундай деб таъкидлаган: “Билингки, дунёнинг тўғрилиги унинг тартиб ва тизимга солинган ишлари биландир. Унинг олти қоидаси бор, булар: эргашиладиган дин, кучли ва одил раҳбар, кенг қамровли адолат, тинчлик, доимий унумдорлик ва катта умид”.

### **Учинчи қисм: тинчлик ва хавфсизлик ўртасидаги боғлиқлик**

Хавфсизлик ва тинчлик яхлит ҳодиса саналади. Сулҳ ҳам тинчлик омилидир. Хавфсизлик бор экан, тинчлик бўлади. Хавфсизлик кўркувнинг зиддини, тинчлик манфаатни билдиради. Хавфсизликнинг фойдаси ҳаммага тегмаса, ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ислом тинчликка чақиради, тарғиб этади ва уни инсонлараро, жамиятлар ҳамда дав-

---

<sup>12</sup> Абулҳасан Мовардий. Адабуд дунё вад дин. – Байрут: Дорул минҳож, 2013. – Б. 231.



латлараро муносабатлар учун асос, замин деб ҳисоблайди. Ҳар доим том маънодаги тинчликка интилишга чорлайди.

Аллоҳ таоло бундай деган: **“(Эй Муҳаммад!) агар улар тинчликка мойил бўлсалар, сиз ҳам мойил бўлинг. Аллоҳга таваккул қилинг, албатта, У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир”**<sup>13</sup>.

Аллоҳ таоло набийига душманлар тинчлик-сулҳни таклиф қилишса, қабул этишни буюрган. Қарама-қарши томон астойдил тинчлик битимини сўраса, орадаги адоватга қарамай, тинч ҳаётга қайтишга тўсқинлик қилмайди. Ана шу ҳақиқий тинчликдир.

Гарчи муфассирларнинг бу оят ҳақидаги фикрлари турлича бўлса-да, асосий хулоса шуки, тинчлик битими мусулмонлар манфаатлари доирасида бўлади. Оятнинг зоҳирий маъноси шундай. Баъзи муфассирлар унинг насх бўлганини, айримлари ундай эмаслини айтганлар. Саддий ва Абу Зайд айтганки, “Оятнинг маъноси бундай: “Сизни сулҳга чақирса, ижобат қилинг”. У насх бўлмаган”. Ибн Арабий бундай деган: “Агар мусулмонлар учун сулҳда фойда келтирадиган ёки зарарни кетказадиган манфаат бўлса,

<sup>13</sup> Анфол сураси, 61-оят.

сулҳни биринчи бўлиб бошлашларида зарар йўқ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хайбарликлар билан сулҳ тузганлар. Улар шартларни бузгандан сўнг сулҳ бекор бўлган. Шунингдек, Замрий, Акайдир Дума ва Нажрон аҳллари билан ҳам сулҳ тузилган”<sup>14</sup>. Қуртубий бундай фикр билдирган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ва ундан кейинги кўп раҳбарлар даврида ажам ўлкалари билан улардан бирор нарса олмаслик ва ўз нарсаларини ўзида қолдиришни назарда тутувчи сулҳ тузганлар, гарчи уларни йўқ қилиб юборишга қодир бўлсалар-да”<sup>15</sup>.

Аллоҳ таоло мўминларни Исломга, яъни тинчликка тўлиқ киришга чақирган ва шайтонга эргашишдан огоҳлантириб: **“Эй имон келтирганлар! Исломга тўлиғича кирингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз!”**<sup>16</sup> деган. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига, агар динда уларга қарши бўлганлар жанг қилишдан тўхтаб, сулҳ тузишса, улар билан уруш қилишга йўл

<sup>14</sup> Қуртубий. Ал-Жомийул аҳкомил Қуръон. Ж.10. – Байрут: Муассасатур рисола, 2006. – Б. 64.

<sup>15</sup> Қуртубий. Ал-Жомийул аҳкомил Қуръон. – Б. 63.

<sup>16</sup> Бақара сураси, 208-оят.

йўқлигини баён этиб, бундай деган: **“Агар сизлардан четланиб, сизларга қарши жанг қилмай, сулҳни таклиф қилсалар, Аллоҳ сизларга улар узра (қарши чиқишга) йўл бермайди”**<sup>17</sup>. Сўнг Аллоҳ таоло агар улар тинчлик деган асосий тамойилга риоя қилмай, душманлик ва уруш йўлини тутишса, бунга қандай муносабатда бўлиш мумкинлигини бундай баён этган: **“Агар улар сизлардан четланмасалар, сулҳни (ҳам) таклиф қилмасалар ва қўлларини ҳам (сизларга қарши урушишдан) тиймасалар, уларни тутиб, қаерда топсангиз ўлдиравингиз! Ана ўшалар устидан сизларга аниқ ҳукмронлик бериб қўйдик”**<sup>18</sup>.

Ибн Жарир Мужоҳиддан ривоят қилишча, бу ояти карима маккалик бир қавм ҳақида нозил бўлган. Улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб, риё учун “мусулмон” бўлар эди. Сўнг қурайшликлар олдига бориб, улар билан бирга бутларга ибодат қиларди. Шу тариқа икки томондан ҳам омон қолмоқчи бўлар эди.

Бу ўринда Аллоҳ таолонинг: **“Ана ўшалар устидан сизларга аниқ ҳукмронлик бериб**

<sup>17</sup> Нисо сураси, 90-оят.

<sup>18</sup> Нисо сураси, 91-оят.

**қўйдик”**, деган сўзларига тўхталиб ўтиш лозим. Ушбу ҳукмронлик бизга жанг қилиш учун очик-ойдин ҳужжат ва аниқ далил бўладими? Ибн Одил Дамашкий бундай деган: “Бу оят шундан далолатки, агар улар жанг қилишдан воз кечиб, биздан сулҳ сўрашса ва азият беришдан тийилсалар, уларга қарши уруш қилишимиз жоиз эмас”.

Қуйидаги оятларда ҳам шунга ўхшаш ҳукмлар бор: **“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (хайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас”**<sup>19</sup>.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан бирга умра қилиш учун Макка томон йўлга чиқдилар ва Макка яқинидаги Ҳудайбиядеган жойда тўхтадилар. Бу атама ўша ердаги бир кудукнинг номидан олинган. Мушриклар у зот алайҳиссаломни Байтуллоҳга киришдан тўсгани учун Ҳудайбияда бир ой қолиб кетдилар. Сўнг мушриклар билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гал қайтиб кетиб, келаси йили келсалар, Маккани у зот учун уч кун

---

<sup>19</sup> Мумтаҳана сураси, 8-оят.

бўш қолдириш тўғрисида сулҳ тузилди. Бундан ташқари, улар у зот алайҳиссалом билан ўн йил уруш қилмаслик тўғрисида ҳам битим тузишди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Мадинага қайтиб кетдилар. Кейинги йили (умранинг) қазосини ўташ учун яна йўлга чиқдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари мушриклар улар билан уруш қилишидан хавотирланиб, уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилишни хушламадилар.

Юқоридаги барча оятлар адолатни тақозо этади ва тинчликка хизмат қилади. Улар негизида сулҳ (тинчлик) билан хавфсизлик ўртасида ўзаро боғлиқлик, узлуксиз ва мувозанатли алоқа намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, муқаддас Ислом таълимотини соф ҳолатда етказиш ва уни бузиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган дин душманларига маърифий усуллар билан қарши курашишни янада фаоллаштириш зарур. Шундагина юртдаги тинч ва осуда ҳаёт барақарор бўлади. Зеро, тинчлик ҳукмрон бўлган юрт ҳар томонлама юксалади.

## ИСЛОМДА БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТИНЧЛИККА ТАРҒИБ<sup>1</sup>

Қуръони карим бизга қадимда яшаб ўтган умматлар ва уларнинг ҳолати ҳақида хабар берган. Улар Аллоҳ таоло томонидан ато этилган тинч-хотиржам ва фаровон ҳаётда яшашган. Сўнгра Парвардигор берган неъматларга ношукурлик қилиб, турли азобларга дучор бўлишган. Яъни бошларига келган азобга ўзларининг ношукурлиги ва кофирлиги сабаб бўлган.

Қуръони каримдаги Нух алайҳиссаломдан саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган пайғамбарлар тарихини диққат билан ўргансак, улар қавмини тинч-тотув яшашга даъват этганларига гувоҳ бўламиз. Аллоҳ таоло Каломида:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلَامِ كَافَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا  
خُطَوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ﴾

**“Эй имон келтирганлар! Ёппасига ито-**

---

<sup>1</sup> Ушбу мақола Марокаш Қироллигидаги Ҳасан II университети-нинг адабиёт ва гуманитар фанлар факультети профессори, доктор Шафиқ Ломанинг “Самовий динларда тинчликнинг асоси” номли мақоласи асосида тайёрланди.

атга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир”<sup>2</sup>, деган. Бу оят инсонлардан тинч-тотув яшашни ва шайтоннинг изидан эргашмасликни талаб этяпти.

Юқорида келган оятдаги “سلم” сўзи турли маъноларни англатади. Агар “سلم” [силм] сўзи бирор нарсага қайд қилинмасдан ишлатилса, ярашиш, дўстлашиш ва сулҳ тузиш маънолари назарда тутилади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

﴿وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلْمِ فَاجْنَحْ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

“Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг! Албатта, У Эшитувчи ва Билувчидир”<sup>3</sup>, деган.

Баъзан бу сўз билан бўйсуниш ва итоат этиш маъноси ирода қилинади. Бу ҳақда Қуръони каримда:

﴿فَإِنْ اعْتَرَفْتُمْ فَلَمْ يُقَاتِلُوكُمْ وَالْقُوا إِلَيْكُمُ السَّلْمَ فَمَا جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ عَلَيْهِمْ سَبِيلًا﴾

<sup>2</sup> Бақара сураси, 208-оят.

<sup>3</sup> Анфол сураси, 61-оят.

**“Агар сизлардан четланиб, сизларга қарши жанг қилмай, сулҳни таклиф қилсалар, Аллоҳ сизларга улар узра (қарши чиқишга) йўл бермайди”<sup>4</sup>**, деган оят бор. Яъни сизларга итоат этса, дейилган.

Абу Қатода розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: *“Албатта, сизларнинг олдингизга асир бўлган одамни олиб келаман”*, дейилган. Чунки асир одам бўйсунди ва итоат қилади.

Шунингдек, бу сўз билан нафснинг поклиги ва қалбнинг тозаллиги ҳам назарда тутилди. Қуръони каримда:

﴿إِلَّا مَنْ أَتَى اللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ﴾

**“Фақат Аллоҳ ҳузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)”<sup>5</sup>**, дейилган. Яъни ширк ва гуноҳлардан пок дил билан келган одамларгагина фойда берур.

Ҳадиси шарифда *“Ҳақиқий мусулмон тили ва қўлидан мусулмонлар омонда бўлган кишидир”*, дейилган. “سلم” [силм] сўзи ишлатилиши нуқтаи назаридан ярашиш, дўстлашиш, сулҳ тузиш, қалбнинг поклиги ва тозалли-

---

<sup>4</sup> Нисо сураси, 90-оят.

<sup>5</sup> Шуаро сураси, 89-оят.



ги, бўйсунуш ва итоат қилиш маъноларини англатади.

“امن” [амн] – хотиржамлик сўзи хиёнатнинг зидди саналган омонатдорлик сўзидан чиқариб олинган бўлиб, қалби тинч ва нафси хотиржам деган мазмунни англатади. У имон сўзидан олинган, деб ҳам айтилган. Бу икки маъно бир-бирига яқин.

“Лисонул араб” китобида “Бу сўз бирор нарсага қайд қилинмасдан қўлланганда хавфнинг зидди назарда тутилади”, дейилган.

Имом Замахшарий: “Фалончи омонатдор. Яъни ҳамма одам унга омонат қўяди ва ишонади. Инсонлар ундан хотиржам бўлади ва ёмонлик қилишидан кўркмайди”, деган. Шунга кўра, бу сўз икки хил маънони ифодалайди:

✓ Хотиржамлик, хавф-хатарнинг йўқлиги, нафснинг тинч ва сокин бўлиши.

✓ Ишонч, ҳақиқатни тасдиқлаш, қалбнинг роҳатини ҳис этиш, алдов ва хиёнатнинг йўқлиги.

Демак, ҳақиқий тинчлик – инсоннинг тинч ва хотиржам яшайдиган ҳаётидир. Тинчлик ҳам бир неча қисмга бўлинади. Улар: руҳий тинчлик, ижтимоий тинчлик ва сиёсий тинчлик.

*Рухий тинчлик* – инсонлар фикрлари, тасаввурлари, эътиқодлари ва турли маданиятларига кўра ўз шаҳарлари ва ватанларида тинч ва хотиржам яшайдиган ҳолатдир.

Тинчликнинг бу тури мусулмон умматини ҳаёти давомида ақидаларига путур етказадиган нарсалардан ҳимоя этади. Бу эса тинчликнинг энг муҳими ва энг олийси ҳисобланади. Чунки бу фикр ва мақсадлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган жамиятларда ҳақиқатга айланади ва ривожланиши учун туртки бўлади. У айна вақтда жамият-ни ҳар қандай фикрий ва эътиқодий душманлардан сақлайдиган қўрғондир.

*Ижтимоий тинчлик* – жамиятдаги одамлар орасида ҳамжиҳатлик, ўзаро мослик ва бир-бирига мувофиқлик ҳолатидир. Шунингдек, бунда жамиятда барча табақалар орасидаги алоқалар барқарор бўлади.

*Сиёсий тинчлик* – тинчликнинг бу тури ички ва ташқи даражага бўлинади.

*Ички даражаси* одамлар орасидаги ижобий ҳолатларда кўринади. Бошқа тарафдан эса инсонлар ва ташкилотлар ўртасида намоён бўлади. Яна бир тарафдан жамиятдаги турли сиёсий ташкилотлар орасида билина-

ди. Бу халқнинг ҳаётини тўрт асосга кўра идора этади. Улар:

- ✓ тўғри бошқарувчилар;
- ✓ сиёсий ҳаётни ривожлантириш;
- ✓ сиёсий ишларда ҳамжиҳат бўлиш;
- ✓ шариат ёки қонунларга қатъий амал қилиш.

*Ташқи даражаси* давлатнинг тинчлигини ҳалокатга олиб борувчи ташқи хатарлар ва таҳдидлардан сақлашда намоён бўлади.

Исломда тинчлик ҳақида турли маълумотлар келган. Албатта, диний матнларнинг асосий мақсади маданиятни ривожлантириш ва бунёдкорликка асос солишдир. Барча пайғамбарларнинг даъвати мана шунга асосланган эди.

Мусо алайҳиссаломнинг чақируви жамиятни сиёсий қуллик ва ақидавий бузилишдан қутқаришга қаратилган эди. Шунингдек, Исо алайҳиссаломнинг маслағи ҳам фасод ишларни ислоҳ этишни мақсад қилган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чақириқлари ҳам тарқалиб кетган қабилаларни бирлаштириш ва ўзаро қон тўкишдан сақлашга қаратилган эди.

Бу илоҳий пайғамбарликлар жамиятдаги одамлар орасида тарқалган кўполлик,

шафқатсизлик ва душманчилик ўрнига инсоний биродарлик ва тинчликни тарқатган. Барча динлар одамзотни жаҳолат зулматларидан қутқариш, қалбини имон нури ва хотиржамлик билан тўлдириш учун хизмат қилади. Одамларни ислоҳ қилиш ва йўллари тўғрилаш учун диннинг катта таъсири бор.

Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга олиб келган илоҳий пайғамбарлик тинчлик учун улкан хизмат қилган. Мусо алайҳиссалом Фиръавни тўғёнга кетган бўлса ҳам ниҳоятда юмшоқлик билан даъват этган. Бу ҳақда Қуръони каримда:

﴿فَقُولَا لَهُ قَوْلًا لَيْسَ لَعَلَّهُ يَتَذَكَّرُ أَوْ يَخْشَى﴾

**“Бас, унга юмшоқ сўз айтингиз! Шояд, у эслатма олса ёки (ҳалок қилишимдан) қўркса”**<sup>6</sup>, дейилган.

Исо алайҳиссалом ҳам фасодга учраган ва тўғри йўлдан озган қавмни ўнглаш учун пайғамбар қилиб юборилган. Жамиятда инсоний алоқаларни мустаҳкамлаган, ўзаро биродарликни ва тинчликни ўрнатган.

Ислом дини тинчликка ва уни мустаҳкамлашга чақирган. Лекин ўша динга эргаш-

<sup>6</sup> Тоҳо сураси, 44-оят.

ган кишилар ҳукмларни тўғри тушунмагани сабабли бўлиниб кетган. Ўша динларнинг ўзи одамлар тўғри йўлдан бурилиб кетганига гувоҳлик беради. Чунки барча динларнинг асл мақсади жамиятда бирдамлик ва тинчликни ўрнатиш бўлган.

Ислом тарихи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашганларнинг баъзилари тўғри йўлдан бурилгани ҳақида хабар беради. Хаворижлар тўғри йўлдан озиб, мусулмонларнинг қонини тўкишга, шафқатсизликка, динда чуқур кетишга ва ўзларига эргашмаганларга қарши уруш қилишга даъват этишган. Бу қилмишлари билан мусулмонларнинг тинчлигига раҳна солишган. Ваҳоланки, барча динларнинг асосий таълимотларидан бири тинчликка чақириш ҳисобланган.

Жамиятда тинчликнинг асосий натижаларидан бири одамларнинг тасаввурлари ва эътиқодлари турлича бўлишига қарамасдан тинч-тотув яшашларидир. Улар турли фитналардан узоқ ҳолда ўзаро ишонч ва хотиржамликда ҳаёт кечирадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга Ислом уммати учун намуна бўладиган таълимотни қолдирдилар. Муҳожир ва ан-

сорларни бир-бирига биродар қилиб қўйишга шошилдилар. Мадина яҳудийларига тинч-тотув яшашлари учун кафил бўладиган мак-туб ёзиб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбия куни мусулмон-лар билан қурайшликлар орасидаги уруш оловини ўчиришга шошилганлар. У зот тинч-ликни сақлаб қолиш учун қурайшликлар би-лан сулҳ тузганлар.

Шайх Абдуллоҳ ибн Байя бундай дейди: “Тинчликсиз ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ. Чунки тинчлигини йўқотган одам ўз ҳаётида ҳақли бўлган барча ҳуқуқларини йўқотувчидир. Тинчлик барча ҳуқуқларга тегишли бўлган энг аввалги ҳақ ва энг олий мақсаддир. Ҳаётим давомида тинчликдан кўра олийроқ мақсад йўқ деган хулосага келдим”. Бу сўз Ер юзида тинчликнинг нақадар аҳамиятли эканини англатади.

Барча пайғамбарларнинг даъватлари ин-сонларнинг ҳуқуқларини тортиб оладиган таъқиб ва кулликка қарши бўлган.

Тарихий воқеалар тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриб турган мусулмон жамиятлари-да бошқа диндагиларнинг ҳуқуқлари таъ-минланганига гувоҳлик беради. Бунга жуда кўп мисол бор. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу

анху Байтул Мақдисда яшайдиганларга омонлик берган ва уларнинг ҳуқуқларини сақлашга кафил бўлган.

Бу ҳақда келган мисоллардан яна бири: “Мўминлар амири Абдуллоҳ ибн Умарнинг Илё аҳлига омонлик берганидир. У зот уларнинг жонлари ва молларига, ибодатхоналарига, касал ва соғлом кишиларига, у ерда яшайдиган барчасига омонлик берган. Уларнинг ибодатхоналари бузилмаган ва шикастланмаган. Молларидан бирор нарсага тегинилмаган. Улар ўз динидан қайтишга мажбурланмаган ва бирортасига зарар етказилмаган”.

Демак, инсоннинг ҳуқуқларига риоя қилиниши учун тинчлик дастлабки қадам экан. Чунки инсон тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда ҳуқуқларининг қийматини ҳам, таъминини ҳам топмайди.

Барча динларда тинчлик Аллоҳ таоло тарафидан одамлар учун берилган улкан неъмат экани таъкидланган. Бу неъматнинг эвазига Аллоҳга шукр қилиш ва кўрнамак бўлмаслик талаб этилган. Юқорида келтирилган маълумотларга қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

✓ Ислом дини тинчлик жамиятларнинг барқарорлиги ва ривожланиши учун асос эканини таъкидлаган. Балки тинчликка эҳтиёж овқат ва дорига бўлган заруратдан кўра муҳимроқдир.

✓ Тинчликнинг мустаҳкамлиги одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ишонч ва жамиятда адолатнинг борлигига боғлиқ.

✓ Жамиятда тинчликнинг мустаҳкамлигидан асосий мақсад инсонга ўз ҳуқуқларини сақлашга ва илоҳий омонатни адо этишга имкон берилишидир.

✓ Кўпинча, диний таълимотлардан узоқлашиш фикрнинг бузилишига олиб келади ва жамиятда фитналар тарқалишига сабаб бўлади.

✓ Ислом дини тинчликни сақлашга ва уни мустаҳкамлашга катта эътибор берган. Чунки жамиятда тинчликнинг ҳукм суриши инсонларнинг ҳуқуқларини сақлашга хизмат қилади.





## **МУСУЛМОНЛАР ВА БОШҚА ДИН ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ: ТИНЧЛИК УСТУВОРЛИГИ<sup>1</sup>**

Ҳозирги глобаллашув жараёнида тинчлик дини – Исломни инсонларга нотўғри талқин қилаётган гуруҳлар унга тухмат тошлари отилишига сабаб бўлишмоқда. Дин ниқоби остида фаолият юритаётган оқимлар, партия ва ташкилотлар муқаддас динимиз ва миллий кадриятларимизга катта зарар келтирмоқда. Шу ва бошқа кўплаб омиллар Ислом ҳақида кўпоровчилик билан боғлиқ нотўғри тушунчаларни шакллантирди. Баъзи гуруҳлар номидан амалга оширилаётган террористик амалиётлар шундай хулосага сабаб бўлаётган ва бунини амалга ошираётганлар Исломни ёйишнинг биргина йўли – қуролдан фойдаланиш ва бу манбаларда айтилган, деб алдасалар, бунга қарши туришда фақат шу манбаларга мувожаат қилиш орқалигина

---

<sup>1</sup> Ушбу мақола Марокаш Қироллигидаги Муҳаммад ибн Абдуллоҳ университетининг “Адабиёт ва гуманитар фанлар” факультети доктори Саид Кифоятининг “Ислом ва бошқа динлар: Исломнинг марказлашуви ва тинчлик устуворлиги” номли мақоласи асосида тайёрланди.

муваффақият қозониш мумкин.

Умумий жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда, Исломнинг бошқа динлар билан муносабатини кўриб чиқиш, унда инсоннинг мавқеи ва тинчлик устуворлигига эътибор қаратиш муҳим омил ҳисобланади.

Муқаддас китобга эга бўлган бошқа дин вакиллари – “аҳли китоб”ларни ўрганишда Қуръон матни ичида уч хил даражани ажратиб кўрсатиш мумкин. Буларнинг биринчиси асл самовий матн – “Лавҳул маҳфуз” бўлиб, у Қуръони каримда турли номлар билан келган, энг муҳимлари “Уммул китоб”, “Зикр”, “Яширинган китоб” ва “Очиқ имом”.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿يَمْحُوا اللَّهُ مَا يَشَاءُ وَيُثَبِّتُ وَعِنْدَهُ أُمُّ الْكِتَابِ﴾

**“Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни ҳукмни) ўчирур ва (Ўзи истаган ҳукмни) қолдиради. Она Китоб (Лавҳул маҳфуз) Унинг ҳузурдадир”<sup>2</sup>.**

Бошқа оятда:

﴿وَإِنَّهُ فِي أُمِّ الْكِتَابِ لَدَيْنَا لَعَلَىٰ حَكِيمٍ﴾

**“Дарҳақиқат, у (Қуръон) даргоҳимиздаги**

---

<sup>2</sup> Раъд сураси, 39-оят.

**Асл Китобда (Лавхул маҳфузда) олий мақом ва пур ҳикмат (битик)дир”<sup>3</sup>**, дейилган бўлса, яна бирида:

﴿وَلَقَدْ كَتَبْنَا فِي الزَّبُورِ مِنْ بَعْدِ الذِّكْرِ  
أَنَّ الْأَرْضَ يَرثُهَا عِبَادِيَ الصَّالِحُونَ﴾

**«Биз Зикрдан сўнг Забурда: “Албатта, ерга фақат Менинг солиҳ бандаларим ворис бўлурлар”, деб ёзиб қўйгандирмиз»<sup>4</sup>**, деб нозил қилинган.

### **Аввалги китоб ва саҳифалар**

Маълумки, барча муқаддас китоблар, қайси тилда ёзилганидан қатъи назар, ушбу асл самовий матннинг кўринишларидан бири ҳисобланади.

“Китоб” сўзи диний тушунчада “пайғамбарларга нозил қилинган” маъносидаги кенг қамровли ибора бўлиб, умуман олганда, Қуръони карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида исмлари зикр қилинган пайғамбарларга нозил қилинган “аввалги саҳифалар”ни ҳам ўз ичига олади.

Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида, шунингдек, Ибн

<sup>3</sup> Зухруф сураси, 4-оят.

<sup>4</sup> Анбиё сураси, 105-оят.

Мардувайх, Абд ибн Хумайд Кеший ва Ибн Асокир ривоят қилган ҳадисга кўра, нозил қилинган китоблар сони бир юз тўрттага етади.

Буни Суютий “Ад-Дуррул мансур”да ва Қуртубий “Тафсир”ида қуйидагича келтиради:

Абу Зарр Гифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Аллоҳ таоло нечта китоб нозил қилган?” деб сўради. У зот: *“Бир юз тўрт китоб. Шис алайҳиссаломга эллик саҳифа, Идрис алайҳиссаломга ўттиз саҳифа, Иброҳим алайҳиссаломга ўн саҳифа, Тавротдан олдин Мусо алайҳиссаломга ўн саҳифа, Таврот, Инжил, Забур ва Фурқонни нозил қилди”*, дедилар”.

### **Исломда инсон мавқеи**

“Инсон” сўзи Қуръони карим оятларида жуда кўп зикр қилинади. Уларда бу иборанинг ўзи ёки одамлар, эркак, аёл, нафс каби бошқа сўзлар билан бирга келади. Эътиборни тортадиган жиҳати шуки, инсоннинг борлиқдаги саёҳати унинг туғилишидан аввал бошланади:

﴿وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ سُلَالَةٍ مِّنْ طِينٍ ثُمَّ  
 جَعَلْنَاهُ نُطْفَةً فِي قَرَارٍ مَّكِينٍ ثُمَّ خَلَقْنَا النَّطْفَةَ  
 عَلَقَةً فَخَلَقْنَا الْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا الْمُضْغَةَ  
 عِظْمًا فَكَسَوْنَا الْعِظْمَ لَحْمًا ثُمَّ أَنْشَأْنَاهُ خَلْقًا  
 ءآخَرَ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ﴾

**“Қасамки, Биз инсонни (Одамни) лой-нинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни (инсон наслини, аввало) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон)даги маний қилдик. Сўнгра (бу) манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўшти суяклар қилиб яратиб, (бу) суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киритиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Аллоҳ баракотлидир!”<sup>5</sup>**

Кейин ўлим бекатига келади:

﴿ثُمَّ إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمَيِّتُونَ﴾

**“Сўнгра, албатта, сизлар (эй инсонлар!) мана шундан кейин, албатта, вафот этувчидирсиз”<sup>6</sup>.**

<sup>5</sup> Муъминун сураси, 12–14-оятлар.

<sup>6</sup> Муъминун сураси, 15-оят.

Ундан кейин охиратдаги ҳисоб-китоб уни кутиб туради:

﴿ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ تُبْعَثُونَ﴾

**“Сўнгра сизлар, албатга, қиёмат куни қайта тирилурсиз”<sup>7</sup>.**

Қуръон инсоннинг бу икки бекат орасидаги ўзгарувчан, бир ҳолатда қарор топмайдиган ҳаётини мисли кўрилмаган тарзда тасвирлаган:

﴿يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُخَفِّفَ عَنْكُمْ وَخُلِقَ الْإِنْسَانُ ضَعِيفًا﴾

**“Аллоҳ сизларга (шариат аҳкомларини) енгиллатишни хоҳлайди. Ахир инсон заиф яратилганда!”<sup>8</sup>**

﴿قُلْ لَوْ أَنْتُمْ تَمْلِكُونَ خَزَائِنَ رَحْمَةِ رَبِّي إِذًا لَأَمْسَكْتُمْ خَشْيَةَ الْإِنْفَاقِ وَكَانَ الْإِنْسَانُ قَتُورًا﴾

**“(Эй Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: Агар сизлар Раббимнинг раҳмат (ризқ) хазиналарига эга бўлсангиз, ўшанда ҳам (уни) ишлатишдан кўрқиб, мумсиклик (бахиллик) қилган бўлур эдингиз”. (Чунки) инсон зоти хасис бўлур<sup>9</sup>.**

<sup>7</sup> Муъминун сураси, 16-оят.

<sup>8</sup> Нисо сураси, 28-оят.

<sup>9</sup> Исро сураси, 100-оят.

﴿إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ  
وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا  
الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا﴾

“Биз (бу) омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, Ерга ва тоғларга тақлиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўркдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм қилувчи ва нодондир”<sup>10</sup>.

﴿إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ  
جَزُوعًا وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعًا﴾

“Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яратилгандир. Қачонки, унга ёмонлик (камбағаллик ёки мусибат) етса, у ўта бардошсизлик қилувчидир. Қачонки, унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса, у ўта манэтувчи (бахил)дир”<sup>11</sup>.

Барча одамлар келиб чиқиши, ирқи, ранги ва эътиқодидан қатъи назар бирдир:

﴿وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ فَمُسْتَقَرٌّ  
وَمُسْتَوْدَعٌ قَدْ فَضَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَفْقَهُونَ﴾

<sup>10</sup> Аҳзоб сураси, 72-оят.

<sup>11</sup> Маориж сураси, 19–21-оятлар.

**“У сизларни бир жон (Одам алайҳиссалом)дан пайдо қилган Зотдир. Демак, (инсон учун она қорни) қароргоҳ ва (ота пушти) омонатгоҳ (экан). Фаҳмлайдиган қавм учун оятлар тафсилотини бердик”<sup>12</sup>.**

Қуръоннинг бошқа кўплаб оятлари ҳам инсониятнинг асли бир эканини турли шаклларда таъкидлайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув хутбаларида одамларнинг Рабби ва отаси бир эканига ишора қилганлар.

Инсон эса ҳурмат-эҳтиромга лойиқ, у Худонинг ердаги ўринбосари эмасми?

Фаришталар сажда қилган зот эмасми?

Фақат у омонатни адо қилишга розилик бермаганмиди?

Исломда инсонни шу тарзда улуғлаш орқали унинг қадр-қиммати этник, миллий ва диний томондан фарқланмайди, унинг умум-башарий бирлиги ҳақидаги нуқтаи назарига кўра, инсониятнинг илоҳий ҳурмат ва ердаги ўринбосарлик жиҳатларида тенглиги англанади.

Инсоний ўлчовнинг бундай етук тушун-

---

<sup>12</sup> Анъом сураси, 98-оят.



часидан келиб чикиб, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг яҳудий тобутига эҳтиром учун туришлари ажабланарли эмас эди.

Демак, одамга таҳдид ёки бошқа йўл билан инсон ҳаётининг муқаддаслиги бузилмаслиги керак:

﴿مِنْ أَجْلِ ذَٰلِكَ كَتَبْنَا عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنَّهُ مَن قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَا أَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا وَلَقَدْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُنَا بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ إِنَّ كَثِيرًا مِّنْهُمْ بَعَدَ ذَٰلِكَ فِي الْأَرْضِ لَمُسْرِفُونَ﴾

«Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукмни битиб қўйдик: “Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган киши худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) киши эса барча одамларни тирилтирган кабидир”. Уларга расулларимиз (илоҳий) хужжатларни келтирганлар. Сўнгра уларнинг кўпчилиги ўшандан кейин (ҳам) Ерда исроф қилувчилардир»<sup>13</sup>.

<sup>13</sup> Монда сураси, 32-оят.

Оятда зикр қилинганидек бир инсонни ўлдириш, гўё барча одамларни ўлдиргандек оғир гуноҳ бўлади. Ва бу фақат яҳудийларга эмас, балки динидан қатъи назар, бутун инсониятга тегишли экани аниқ кўриниб турибди.

Ало Солиҳ Абдунаим Ҳилот оятни тафсири қилиб: “Аллоҳ таоло бу оятда мусулмон билан ғайримусулмонни, эркак ва аёлни, ирқ, жинс, уруғ ёки қабилани бири-биридан ажратмаган”, дейди.

Инсон ҳаётини асраб-авайлаш жонни ҳимоя қилиш сирасига киради ва бу диннинг бешта зарурий мақсадларидан биридир.

### Тинчлик устуворлиги

Ислом сўзи тинчлик, омонлик, бўйсунуш ва саломатлик каби маъноларни англатиши бежиз эмас. Ислом тинчлик дини бўлгани учун мусулмон киши кимга дуч келса, унга яхшилик ва омонлик тилаб салом беришни жорий қилди.

Бундан ташқари, “Салом” Аллоҳнинг энг гўзал исмларидан биридир:

﴿هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ السَّلَامُ﴾

**“У шундай Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) Подшоҳ, (барча айб-нуқсонлардан) Пок, (бандаларига) тинчлик бахш этувчидир”<sup>14</sup>.**

Тинчлик сўзи урушнинг муқобили сифатида тор маънода бўлиши мумкин. Лекин у кечиримлилик, зўравонликдан сақланиш, вазминлик, меҳрибонлик, бағрикенглик, низоларни ҳал қилиш, одил ҳакамлик ва жоҳиллар билан оқилона суҳбатлашиш маъноларида кенг қамровли тушунчадир.

Масалан, тинчликка интилиш Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаётларида яққол кўзга ташланади.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Бир гуруҳ яҳудийлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кириб, “Ассому алайка” (Сенга ўлим бўлсин), дейишди. У зот: “Сизларга ҳам”, дедилар. Оиша: “Сизларга ҳам ўлим бўлсин, Аллоҳнинг лаънати ва ғазаби бўлсин”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Шошилма, эй Оиша! Қўполлик ва фаҳидан сақлан*”, дедилар. У: “Улар нима деганини эшитмадингизми?!” деди. “*Мен ҳам “Сизларга ҳам”, деганимни эшитма-*

<sup>14</sup> Ҳашр сураси, 23-оят.

дингми? Улар ҳақида айтганларим ижобат қилинади, уларнинг мен тўғримида айтганлари қабул этилмайди”, дедилар”<sup>15</sup>.

Тинчлик биринчи Ислом жамиятида, мусулмонларнинг китоб аҳли билан муносабатларини ички доирада тартибга солиш учун “Мадина шартномаси” номи билан машҳур ҳужжатда тасдиқланган бўлса, ташқи алоқалар даражасида давлатнинг бошқа мамлакатлар билан тинчлик ва уруш ҳолатида тузган кўплаб шартномалари асосида ўрнатилади.

Бироқ экстремистик оқимларнинг айнан мусулмонлар орасида юзага келаётганига гувоҳ бўлиб турган кўпчилик Ислом уруш дини эканини таъкидлайди. Натижада Қуръони карим даъват этган ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таржимаи ҳолларида ўз аксини топган тинчликка мойиллик эътибордан четда қолади.

Улар баъзи оятлар ва айрим ҳадисларнинг зоҳирий маъноларини ушлаб, бағрикенглик, тажовуз қилмаслик ва тинчликка чорловчи юзлаб оят-ҳадисларни унутишади. Ваҳоланки,

---

<sup>15</sup> Имом Бухорий ривояти.

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ ۗ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ ۗ﴾

“Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди”<sup>16</sup>.

Қолаверса, бошқа оятда:

﴿ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ  
وَجَدِلْهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ ۗ﴾

“(Эй Мухаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га хикмат ва чиройли насихат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!”<sup>17</sup> деб марҳамат қилинган.

Ислом одамларни унга киришга мажбурламайдиган, нотинчлик позициясидан устун турувчи, мусулмон бўлмаганларга ҳам инсон сифатида эҳтиром кўрсатишимизни буюрувчи дин экани таъкидланган.

﴿وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلِمَ اللَّهِ ثُمَّ أَبِلِغْهُ مَأْمَنَهُ ۗ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْلَمُونَ ۗ﴾

“Агар мушриклардан бирортаси сиздан химоя сўраса, бас, уни химоянгизга

<sup>16</sup> Бақара сураси, 256-оят.

<sup>17</sup> Наҳл сураси, 125-оят.

**олинг, токи у Аллоҳнинг Каломини эшитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари сабаблидир”<sup>18</sup>.**

Муҳаммад Абдуллоҳ Дарроз: “Кўряпсизми, биз мусулмон бўлмаганларни ҳам ҳимоя қилишимиз, уларга бошпана беришимиз ва фақат ўз маҳалламиздаги хавфсизликни кафолатлашимиз, уларни ҳақ ва тўғри йўлга йўналтиришимиз ҳам етарли эмас экан. Балки, улар хоҳлаган жойга етгунларича уларни ҳимоя қилиш ва ҳаракатларида ғамхўрлик қилишни буюрмоқда”, дейди.

### **Жиход тушунчаси**

Исломда жиход соф мудофаа характерига эга экани исботланган ва жанг қилиш ҳақидаги барча буйруқлар, биринчи ўринда фақат ўзини ҳимоя қилиш учун бўлгани билан таъкидланади. Аввало, уларнинг ҳеч бири тажовузкор уруш олиб боришга ишора қилмайди, иккинчидан, улар вақтинчалик хусусиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш лозим ва келажак авлод учун мажбурий буйруқ сифатида қаралмаслиги керак.

Ва яна шуни қўшимча қилиш керакки, “жиход” сўзи классик араб тилида **инсон-**

---

<sup>18</sup> Тавба сураси, 6-оят.

**нинг бор кучини кўрсатиши, ҳаракат қилиши, курашиши ёки ўзини қатъият, тиришқоқлик, матонат, жиддийлик, иштиёқ билан ишлашга ундашини** англа-тади.

Ислом фатҳлари уруш ахлоқи бўйича умумбашарий сабоқлар беради, бу унда кўпоровчилик хулқ-атвори йўқлигини кўрса-тиб, бошқа тузумлардан ажралиб туришига сабаб бўлади.

Бунинг яққол мисолини биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу хижрий 12 йилда Усома ибн Зайд бошчилигидаги кўшинни Исломни ёйиш учун Шомга юбо-раётганида айтган хутбаларида кўрамиз:

“Бузғунчилик, адоват ва хиёнат қилманг-лар. Ёш болаларни, қарияларни ва аёллар-ни ўлдирманг, хурмо дарахтларини кесманг ва ёқиб юборманг, мевали дарахтни кесманг. Қўй, сигир ва туяларни овқатдан бошқа нарса учун сўйманг. Ўзларини ибодатхона-ларга бағишлаган одамлар ёнидан ўтсангиз, уларни тек қўйинг”<sup>19</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тинчлик Ислом дини таянган энг муҳим тамойиллардан бири. Бу нарса унинг ўша

<sup>19</sup> Имом Муслим ривояти.

даврда дунёнинг турли бурчакларигача тез тарқалишига асосий сабаблардан бири бўлган. Бу эса Ислом дини қилич билан тарқалди, деган нотўғри тушунчани бутунлай йўққа чиқаради. Мусулмонлар бошқа дин вакиллари билан алоқалар ўрнатмаганида ва инсоний қадриятларни улар билан баҳам кўрмаганида, бу иш амалга ошмаган бўларди.





## ОЯТЛАР БИЛАН ҲУКМ ҚИЛМАГАНЛАРНИ КОФИРГА ЧИҚАРИШ МАСАЛАСИДА УЛАМОЛАРНИНГ ҚАРАШЛАРИ

Ислом дини инсонларни илм, ҳамжиҳатлик ва аҳилликка чорлайди. Улар орасида жоҳиллик, фирқаланиш ва ўзаро келишмовчилик келтириб чиқарадиган ҳар қандай ғоя, қараш ва чақириқларни кескин қоралайди.

Ахборот асри бўлмиш ҳозирги кунларда ҳар хил радикал ва экстремистик ғоя эгалари мусулмонларни ўн тўрт асрдан бери амалда бўлиб келган тўрт фикҳий мазҳаб уламоларининг асарлари ва қарашларини тарк қилиб, бевосита Қуръон оятлари ва ҳадислардан ҳукм олишга даъват қилмоқда. Уларни ўзларининг ғаразли мақсадларига мослаб талқин қилишга, мусулмонларни, айниқса, ғўр ёшларни тўғри йўлдан оғдириб, ўз домига тортишга ҳаракат қилмоқда.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қуйида Абдуллоҳ ибн Шайх Маҳфузнинг “Оятлар билан ҳукм қилмаганларни кофирга чиқариш” масаласидаги қарашлари баён этилади. Багафсил қаранг: Абдуллоҳ ибн Шайх Маҳфуз ибн Байя. Воқе бўлувчи фикҳни асослашда мурожаат қилинадиган ўринларни баён этиш. – Абу Даби: Ал-Муватто маркази нашриёти, 2018. – Б. 247–251.

Улар нотўғри талқин қилаётган ана шундай оятлардан бири Аллоҳ таолонинг:

﴿وَمَنْ لَمْ يُحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

**“Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”<sup>2</sup>**, деган сўзидир.

Уларнинг даъвосича, уни амалда татбиқ қилмагани учун ҳозирги замон мусулмон раҳбарлари ҳам, уларнинг қонунларига итоат қилган мусулмонлар ҳам кофир. Аммо бу жумхур уламолар томонидан мазкур оятга берилган шарҳ ва изоҳларга номувофикдир. Чунки аҳли сунна вал жамоа ижмосига кўра, зоҳири муҳкам оятларга зид келадиган ҳар қандай оят ёки ҳадис уларга мувофик келадиган қилиб тушунилиши лозим. Гуноҳи кабирага қўл уриб қўйган мусулмон масаласи бунинг исботидир. Зеро, қатъий далил билан тақиқланган бирор иш ёки нарсани ҳалол санамаган киши диндан чиқмайди. Эътиборли жиҳати шуки, Аллоҳ таоло нозил қилган оятлар билан ҳукм қилмаган кишиларни куфрда айблаш борасида уламоларнинг қарашлари турлича бўлган. Вазият, шароит, масаланинг

---

<sup>2</sup> Моида сураси, 44-оят.

қай тарзда қўйилишига қараб, уларга ёндашув ҳам фарқланган.

Абдулҳақ ибн Атийя “Ал-Муҳаррарул во-жиз” деб номланган тафсирида бундай деган: “Аллоҳ таолонинг:

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ  
الْكَافِرُونَ﴾

“Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”<sup>3</sup> ояти борасида уламолар ҳар хил фикр билдирган. Бир гуруҳи: “Бу (ва кейинги икки оятдаги) кофирлар, золимлар ва фосиқлардан мурод аввалги исёнчи қавмлардир”, деган. Бу ҳақда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ҳадис ҳам ривоят қилинган.

Кўпчилик уламолар: “Ҳақиқатан ҳам, бу оятда Аллоҳ таоло нозил қилган оятлар билан ҳукм қилмаганлар назарда тутилади. Лекин умматнинг амирларига нисбатан олганда, у имондан чиқарадиган куфр эмас”<sup>4</sup>, деган фикрни айтган.

<sup>3</sup> Моида сураси, 44-оят.

<sup>4</sup> Ибн Атийя. – Ж. 4. – Б. 456–457.

Фирёбий, Саид ибн Мансур, Ибн Мунзир, Ибн Абу Ҳотим, Ҳоким ва Байҳақий **“Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”** оятининг тафсирида Ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг бундай деганини ривоят қилади: “Бу ерда айримлар илгари сураётган куфр назарда тутилмаган. У диндан чиқарадиган куфр эмас, балки куфрони неъмат, яъни неъматга нисбатан ношукурликдир”.

Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ва Ибн Мунзир **“Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”** оятининг тафсирида Ато ибн Абу Рабоҳ розияллоҳу анҳунинг: “Имондан чиқармайдиган куфр, зулмдан куйироқ зулм, фисқдан пастроқ фисқдир”, деб айтганини ривоят қилган.

Қушайрий бундай деган: “Хаворижларнинг фикрича, пора олиб (Аллоҳ нозил қилган оятлардан) бошқаси билан ҳукм қилган киши кофирдир”. Бу фикрни келтиришда Ҳасан ва Суддийга нисбат берилган”<sup>5</sup>.

Ҳузайфа ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо эса: “Бу оят ҳаммамиз учун умумийдир”, деган. “Агар мусулмонлардан бири шу ишни

---

<sup>5</sup> Ат-Тахрир ват танвир. – Ж. 6. – Б. 211–212.

қилса, то Аллоҳга, Унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари ва қиёмат кунига (шак келтириб) кофир бўлмагунча у диндан чиқарадиган куфр ҳисобланмайди”, деган. Бу маъно муфассирларнинг бир гуруҳидан, жумладан, Ибн Аббос, Товус ва Атодан ривоят қилинган.

Аллоҳ таоло:

﴿وَأَمَّا الْقَاسِطُونَ فَكَانُوا لِجَهَنَّمَ حَطَبًا﴾

**“Аmmo (йўлдан) озганлар(га келсак), бас, улар жаҳаннамга ўтин бўлувчи кимсалардир”**<sup>6</sup>, деган. Оятдаги “القَاسِطُ” [ал-қосит] “адолатсиз ва золим” маъносидадир<sup>7</sup>. Шайхулислом буни кўп ўринларда тилга олиб, бундай фикр билдирган: “Салафлар инсонда имон ва нифоқ бўлиши мумкин, деган. Шунингдек, унда имон ва куфр ҳам бўлади”. Бу куфр Ибн Аббос ва унинг издошлари **“Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”** ояти борасида айтганидек, диндан чиқарадиган куфр бўлмайди. Аҳли сунна имомларидан Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар ҳам уларнинг йўлидан юрган.

<sup>6</sup> Жин сураси, 15-оят.

<sup>7</sup> Ат-Тамҳид.– Ж. 6.– Б.74–75.

Бошқа ўринда бундай дейилган: “Саҳиҳи Муслим”да айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Раббингиз нима деганига қарамайсизми?! “Бандаларимга бирор неъмат ато этсам, уларнинг бир тоифаси унга кофир бўлиб тонг оттиради. Улар: “Юлдузлар ва юлдузлар сабабли”, деб айтади*”, деганлар. Бунга ўхшаш гаплар (бошқа) ҳадисларда (ҳам) бор.

Саҳобалардан Ибн Аббос ва бошқалар Аллоҳ таолонинг:

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

**“Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”**, деган сўзи ва ундан кейинги икки оятда келган “золимун” ва “фосиқун”ни “куфрдан қуйроқ куфр, фисқдан пастроқ фисқ, зулмдан қуйроқ зулмдир”, деб тафсир қилган. Буни Имом Аҳмад, Имом Бухорий ва бошқалар ҳам айтган. “Такфир” мавзуси бўйича кўпроқ маълумот олишни хоҳлаганлар “Фатовойи фикрийя” китобига мурожаат қилсин!

Биз юқорида айтилган гаплардан муржийлардек эътиқод қилишимиз тушунил-

майди. Уларнинг фикрича, мушрик одамга (савоб) амалнинг фойдаси тегмаганидек, мўминга ҳам (гуноҳ) ишнинг зарари етмайди. Муржийлардан бешинчи тоифасининг таъбирига кўра, мусулмонлардан ҳеч ким дўзахга кирмайди.

Биз эса, аксинча, машҳур “Жаброил ҳадиси”да келганидек, имон бу эътиқод бўлганидек, тил билан иқрор бўлиб, қалб ила тасдиқ этмоқдир. Бу аҳли суннанинг йўли. Лекин жумҳур уламолар фикрига кўра, мўмин гуноҳ сабабли – хоҳ бирор вожибни тарк қилсин, хоҳ ҳаром ишга қўл урсин, – кофир ҳисобланмайди.

Юқоридаги оят борасида уламоларнинг фикрларидан олинадиган фойда шуки, оятлардан тўғридан-тўғри ҳукм чиқармасдан, балки унинг кенгроқ шарҳларига ва бу борада юртимиз уламоларининг кўрсатмаларига мурожаат қилиш керак. Бузғунчи гуруҳ ва оқим вакилларининг ғаразли ва фитнали вайронкор ғоялари асоссиздир. Бундай иллатлардан узоқ юриб, доимо хушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

## ФИҚҲИЙ МАНБАЛАРДА ТИНЧЛИКНИНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНИШИ<sup>1</sup>

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди қадимдан хилма-хил маданият, урф-одат ва турмуш тарзига эга бўлган, турли динларга эътиқод қилувчи, ҳар хил тилларда сўзлашувчи халқлар яшаб келаётган ўлкадир. Бу заминда тинчлик ва барқарорликни асраш, унга путур етказадиган иллатларни бартараф этиш ҳар бир даврнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда бағрикенглик ва тинчлик-тотувликни асраш жамият ривожининг устувор омилларидан бири деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бундай деган эди: *“Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон*

---

<sup>1</sup> Доктор Мустафо Самадийнинг “Янги пайдо бўлган ва шаръий ечимга муҳтож воқеа-ҳодисаларга оят-ҳадислар билан ечим топиш ва татбиқ этиш орқали тинчликни мустаҳкамлаш” номли мақоласи асосида тайёрланди.



оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир”<sup>2</sup>.

Маънавий меросимиз бўлган қадимий илмий-бадий асарларда ҳам бағрикенглик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бу жамиятда миллатлараро тотувликни шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Фатво ва ҳукмларга оид фикҳий асарлардаги баҳсли масалаларнинг ечимларида тинчлик-тотувликни асраш тамойилларига асосланган ҳолда чиқарилган фатволар фикримиз далилидир.

Мазҳаб пешволари мусулмонлар ҳаётидаги ўзгаришларни доим диққат билан кузатиб борган, ўзгаришлар билан ҳамнафас бўлган, одамларнинг фикҳий масалаларга эҳтиёжини

---

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Мамлакат ривожига истикболли вазифалар (Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатнома). /<https://kun.uz/99444746>.

англай билган. Улар ҳар бир масала бўйича бериладиган фатвога Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларига суянган, ҳаётий тажрибага асосланган, узоқни кўра олган ҳолда танқидий назар билан ёндашган. Шу боис қадимий кўлёмалар орасида фикҳий мерос алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда илмий марказлар, исломшунос тадқиқотчи олимлар томонидан цивилизациямизнинг маърифатли илдизларидан дарак берувчи, турли соҳаларда нурли илмлар билан тўлдирилган ушбу маънавий меросни кенг тадқиқ этиб, моҳиятини оммага етказиши турли радикал фатволар ва бузуқ мафкураларга қарши курашишда энг ишончли ва мақбул йўл бўлиб қоляпти.

Ушбу мақола ижтимоий тармоқларда диний ва ижтимоий масалаларда берилаётган фатволардаги зиддиятли манзарани кузатган ҳолда, Исломга ёт “фатволар” чиқарувчи кимсаларга улар унутиб қўйган қоида ва талабларни эслатишга қаратилган.

Янги пайдо бўлаётган (навозил) ижтимоий-диний масалалар ечим топишида энг яхши чора ўтмишдаги мужтаҳид уламоларимиз тутган йўлидир. Улар ўз фатволари-

да дин ва халқ манфаатини уйғунлаштира олган. Бу мужтахиддан юксак ақл-заковат, чуқур билим ва катта маҳорат талаб қилади, албатта.

Бугун юзага келаётган ижтимоий-диний масалалар атроф-муҳит, урбанизация, оила, молиявий битимлар, динлар, цивилизациялар, қадриятлар мулоқоти каби мавзуларни қамраб олади. Шу боис олимларимизнинг бу мавзулар бўйича айтаётган сўзлари долзарблик нуқтаи назаридан доим диққат марказида туриши зарур.

Ўз фатволарида биродарлик, тинчлик ва осойишталикка путур етказмайдиган йўлларни топиш ҳар қандай фақиҳдан билим, кўникма ва маҳорат, тўғри хулоса чиқара олиш қобилиятини талаб қилади.

Шаръий масала ечимига фатво бераётган олим фикҳий танловининг асосини ойдинлаштира, бунинг қийматини билиш катта қийинчилик туғдирмайди. Ижтимоий тармоқдан туриб, фатво берувчи аксар “олимлар”нинг оқибати ўйланмаган фатволари эса турли зиддиятларга сабаб бўлиб қолмоқда. Бунга насс<sup>3</sup>, қиёс, урф-одат,

---

<sup>3</sup> Куръони карим ва суннати мутахҳара.

маслаҳатул мурсала<sup>4</sup>, истеҳсон<sup>5</sup> ва машҳур мазҳаб пешволарининг жавобларидан четга чиқиш, шозз<sup>6</sup> жавобни танлаш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Жумладан, уламолар жамоаси рад қилган нарсага руҳсат бериш, маржуҳни<sup>7</sup> тасдиқлаш, жавоблардаги ғайритабиийлик ва такаббурлик, зиддият ва келишмовчиликларни ҳисобга олмаган ҳолда фатво бериш ва асрлар давомида амалда бўлиб келган аҳкомларга зид ҳукмларни амалиётга жорий қилиш ҳаракатлари ҳам шулар сирасига киради.

Ўтмишда шаръий масалалар ечимида баҳс-мунозара юритишдан мақсад ўртага қўйилган масаланинг ечими борасида тортишаётган томонлар ўртасида мувофиқлик ва ижтимоий келишувга эришиш бўлиб, бу фатво берувчилар ўртасида қадриятларга ҳурмат кучли бўлганидан далолат беради. Уларнинг энг асосий мақсади дин, мазҳаб, уммат ва жамият манфаатларини ҳимоя

---

<sup>4</sup> Инсон ихтиёрида бўлган эркин масалалар.

<sup>5</sup> Бир ҳукмни иккинчисидан яхши деб ҳисоблаш.

<sup>6</sup> Шозз луғатда – жумҳурдан ажраб, яқка ўзи қолганга айтилади. Истилоҳда эса – ўзидан сонда ёки ростгўйликда ёки адолатда кучлироқларни ривоятга муҳолиф чиққан ишончли кишининг ривоятга айтилади.

<sup>7</sup> Масаланинг жавобида ўзига маъқул бўлгани учун заиф бўлсада, далили енгил жавобни танлаш.

қилишдан иборат бўлиб, барча фақиҳлар ижтимоий барқарорликка путур етказиш, одамлар орасига тафриқа солиб қўйишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлган. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда жамиятда фитна чиқаришнинг зарар ва гуноҳи одам ўлдирганниқидан ҳам оғирроқ эканини айтади:

﴿وَالْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ﴾

**“Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқ (ёвузлик)дир”<sup>8</sup>.**

Жамиятни бирдамлаштиришга, ўзаро иттифоқликка чорлашга ҳамма масъулдир. Қуръони каримда бундай дейилган:

﴿وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا﴾

**“Барчангиз Аллоҳнинг арқони (Қуръон)га боғланингиз ва фирқаларга бўлинмангиз”<sup>9</sup>.**

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жамиятда фитна келиб чиқишига, парокандаликка сабаб бўладиган ишларни қиладиганларни лаънатлаганлар.

<sup>8</sup> Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Шарқ, 2004. Бақара сураси, 191-оят.

<sup>9</sup> Оли Имрон сураси, 103-оят.

Анас ибн Молиқдан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: *“Фитна уйқудадир, уни уйғотган кишига Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин”*<sup>10</sup>.

Мақола мавзуси бўлган тинчлик барча қадриятларни ўзида бирлаштирган олий қадриятдир. Агар адолат тилга олинса, тинчлик унинг мақсади, бағрикенглик зикр этилса, тинчлик унинг моҳияти, афв эсланса, тинчлик унинг масдари, мулоқот тилга олинса, тинчлик унинг асл ўзагидир.

Ҳаётнинг турли жабҳаларида уламоларнинг фатволари мусулмонлар учун энг муҳим кўлланма бўлгани учун фитналарга сабаб бўлмайдиган тўғри фатво жамият равнақи ва фаровонлигининг энг асосий омилларидан саналади.

Ўтмишда мужтаҳидларнинг фатво бериш услублари жамиятда тинчликни, ўзаро биродарликни асрашга қаратилганидан гувоҳлик берувчи кўплаб мисолларга дуч келамиз. Бу ўринда фатво бериш юзасидан

---

<sup>10</sup> Жалолиддин Суютий. Ал-Жомий ас-сағийр. – Байрут: Дорул фикр, 5975-ҳадис. 3-жуз. – Б. 229. Жалолиддин Суютий. Ал-Фатҳ ал-кабийр. – Байрут: Дорул фикр, 2003. 8272-ҳадис. 2-жуз. – Б. 265. Али ибн Ҳисом Ҳиндий. Канзул ʼуммол. – Байрут: Муассатур рисола, 1989. 30891-ҳадис. 11-жуз. – Б. 186.

қабул қилинган энг муҳим тамойилларни ташкил этувчи энг олий қадриятларни эслатиб ўтамиз.

**1. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ижтимоий тинчликка эришиш, бирдамлик, ўзаро боғлиқлик ва бағрикенглик маданиятини сингдириш.**

Ҳижрий саккизинчи асрда Андалусда Шайх Ибн Лубб Ғарнотий ижара масаласида фатво чиқарди. Унинг ижарага ишчи ёллаш билан боғлиқ масалада айтган сўзи моликия мазҳабидаги фатво усулларига зид бўлган. Чунки бу мазҳабда ёлланма ишчининг номаълум тўлов эвазига ерда ижарада ишлаши тақиқланган. Бундай келишув ижарачига ҳам, ҳосилга ҳам салбий таъсир кўрсатадиган сохта шартнома ҳисобланади. Шайх Ғарнотий Андалусдаги одамларнинг урф-одатларини ҳисобга олиб, ҳақи аниқ келишилмаган ижара маҳаллий халқнинг урф-одатларига тўғри келса, у ҳолда мумкин, деб фатвони берган.

Шайхдан асаларичиликда ижарага ишлайдиган одам ва унга бериладиган ҳақ асалнинг бир қисми бўлиши ҳақида ҳам сўралган. Унга шундай йўл билан ҳақ тўласа бўладими, йўқми? Аллома бу са-

волга қуйидагича жавоб беради: “Олинган асалнинг бир қисмини бериш шарти билан ишга ёллашнинг ҳукми ишчига бериладиган ҳаққа оид масаладир. Моликий мазҳабидаги ҳукмларга кўра, бундай ҳақ тўлаш шарти билан ишчи ёллаш ман этилади. Бунинг сабаби “миқдори номаълум ҳақ эвазига ишчининг ижарада ишлаши” деб кўрсатилган”.

Шундай қилиб, аллома жамиятнинг урф-одатлари ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ижарага нархи аниқ қилинмаган савдо билан ишга ёллашда икки хил фатво бермоқда.

Ҳанафий мазҳабида темир қуйиш печлари ва карвонсарой (дам олиш уйлари)да ҳам ижарага бундай савдо билан одам ёллаш тақиқланади. Чунки бу турдаги келишув оқибатида ўртада зиддиятлар пайдо бўлиши эҳтимоли мавжуд. Бундай ижарага рухсат темир қириндиси ва идишда ортиб қолган сув билан ҳақ тўласа бўлаверади, дейдиган кимсанинг наздида мумкин бўлади, дейилади. Юқоридаги фатволарга кўра, мусулмонлар ижарага одам ёллаш нархини аниқ келишувлар асосида белгилашга ҳаракат қилган, натижада юзага келиши мумкин бўлган турли келишмовчиликларнинг олди олинган.



## **2. Маҳалла ва қўшнилик қадриятларини мустаҳкамловчи фатволар.**

Бугун ижтимоий осойишталик ва минтақа аҳолисининг бирдамлигига путур етказадиган низолар нуқтаи назаридан қараганда, сув истеъмоли ва суғориш муаммолари тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўтмишда уламолар бундай муаммоларни оқилона ҳал қилганлар. Тарихда кўплаб мусулмон халқларининг ҳаёти асосан қишлоқ хўжалиги ресурсларига боғлиқ бўлган. Шунинг учун улар ўртасида сув тақсимлаш ва ундан фойдаланишни тартибга солиш соҳаси жуда ривожланган. Бу муштарак тақсимотни бошқаришга тўсқинлик қиладиган бирор нарса пайдо бўлса, фақиҳ ва муфтийларга мурожаат этилган.

Шайх Абу Қосим Ибн Луббдан тоғдаги юқори қишлоқдан пастдаги қишлоқ текислигига оқиб тушаётган анҳор суви ҳақида сўрашди. Ўша вақтгача юқори қишлоқ аҳолисининг дарёдан сувни юқорига кўтариб етказиб берадиган сув ғилдирагига (чархпалакка) эҳтиёжи бўлмаган, яъни сув ташиб ичилган. Энди аҳоли кўпайиб, сувга эҳтиёж ортгани сабабли юқори қишлоқ одамлари дарёдан сувни юқорига чиқариш мақсадида

чархпалак қуриш учун паст қишлоққа тегишли ердан жой ажратиб бериш ҳақида фатво чиқаришни сўраб илтимос қилган.

Шайх Абу Қосим икки қишлоқ аҳолисини тинчликни қадрлашга, биродарлик ва жамоат манфаатларига, эски одатларга қараб ҳукм чиқаришга чақириб, бундай жавоб беради: “Сувдан келишилган ҳолда фойдаланиш керак. Ўтмишда асли бўлмаган нарсани яратиб, урф бўлиб турган ишга қарши чиқиш жоиз эмас. Бир-бирингиз билан келишган ҳолда қишлоқ аҳлининг оқсоқоллари розилиги билан шундай қилсангиз яхшироқ бўлади”.

### **3. Ихтилоф ортидан келадиган фасодни даф қилиш, тафриқага йўл қўймаслик.**

Ақидавий масалалар ечимига оид асарларда келтирилган фатволар айрим ҳолатларда ўзига хос урф-одатлар билан мувофиқлаштирилган ҳолда берилган. Фақиҳ ихтилоф чиқармаслик учун жамият урф-одатлари, манфаати ёки заруратини ҳисобга олиб, энг рожиҳ ва машҳур уламоларнинг сўзларидан ҳам воз кечиб, заиф ёки шозз бўлган гапларга амал қилган ҳолда фатво берган.

Саккизинчи асрда бидъат масаласи уламолар орасида кучли баҳс-мунозаралар ва фикҳий шарҳларга сабаб бўлган. Ибн Лубб-

нинг шогирди Абу Исҳоқ Шотибий бошчилигидаги уламолар бидъатни қоралашга катта эътибор қаратиб, “Иътисом” китобига шунга оид фатволарни қўшган.

Биз бу ерда тақдим этаётган масала Ибн Луббнинг бидъат тушунчасига ойдинлик киритганидир. Унга имом (раҳбар)нинг дарвеш ва сўфийлар мажлисида иштирок этиб, зикрларни тинглаши билан боғлиқ савол берилади: “Имомнинг бу иши унинг одиллик сифатига путур етказадими, йўқми?” У: “Сиз сифатлаган нарсалар бидъат эмас, сўфий ва дарвешлар қилаётган ишни кўпчилик уламолар мумкин деб билади. Шунинг учун дарвеш ва сўфийлар мажлисида иштирок этиб, уларнинг зикрларини тинглаши имом (раҳбар)нинг имомати (раҳбарлик қилиши) га тўсқинлик этмайди ва одиллик сифатига путур етказмайди”, деб жавоб беради.

Қуръони карим оятлари ҳам тафриқага йўл қўймасликка, ижтимоий ҳаётда дўст-биродар бўлиб, тинчлик-тотувликда умргузаронлик қилишга чорлайди:

﴿وَاَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ

بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا وَكُنْتُمْ عَلَىٰ شَفَا حُفْرَةٍ مِنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُم مِّنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١١﴾

“Ҳаммангиз Аллоҳнинг арқони (Қуръон)-ни маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъматини туфайли биродарларга айландингиз. Дўзах чохи ёқасида турганингизда, сизларни ундан қутқарди. Шояд ҳақ йўлни топгайсизлар, деб, Аллоҳ Ўз оятларини сизларга шундай баён қилади”<sup>11</sup>.

Ушбу оятда кўплаб маънолар мужассам бўлган. Унда инсонларнинг жамоа бўлиб яшаши ҳам Аллоҳ таолонинг улкан неъматини экани таъкидланмоқда ва жамиятни турли фирқаларга бўлиниш балосидан сақлаш буюрилмоқда. Бу ўз-ўзидан жамоавий ва индивидуал равишда тинчликнинг қадрини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “*Тинчлик ва хотиржамлик икки*

---

<sup>11</sup> Оли Имрон сураси, 103-оят.

улуз неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдир”; “Кимки бизга қарши тиз кўтарса, у Ислом аҳлидан эмас” деб, инсонларни тинчликнинг қадрига етишга, ўзаро аҳил-иноқ яшашга чақирадилар.

Одамларнинг тинчлик-хотиржамликда яшаб, Парвардигорига итоат этишда ҳамкорлик қилишига қарши қаратилган бузғунчиликдан ҳам фосидроқ ғоя борми дунёда?

#### **4. Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, нуқсонларини тузатиш ва дахлсизлигини сақлаш.**

Мазҳаб пешволари сўзларида оила билан боғлиқ янги муаммоли жиҳатлар ва эр-хотин ўртасидаги зиддиятларга қиёс талаб қиладиган масалалар муқобилида истехсон тамойилига асосланган кўплаб фатволар топилди.

Эр-хотиннинг ажрашиши ички ва ташқи таъсирларга боғлиқ бўлиб, оилаларнинг бузилиб кетиши, болаларнинг етим қолиши ва жамиятнинг пароканда бўлишига олиб келади. Шу сабабли Исломда оиланинг бутунлигини сақлаш энг муҳим ишлардан саналган.

Истехсон мазҳаб пешволарининг фатво беришдаги тамойилларидан бири бўлиб,

у орқали мужтахидлар фасодни даф этиш мақсадида аниқ ҳукмдан бошқаларга маълум бўлмаган ҳукмга ўтишни ният қилади. Истеҳсон бир масала бўйича фақат иккита ечим мавжуд бўлгандагина қўлланади. Фақиҳ бир масала ечимида атайлаб икки далилнинг бирини ундаги фатво жамиятга манфаатлироқ бўлгани учун иккинчисидан устун қўяди. Бу урф-одатларни ва бериладиган фатвонинг уламолар томонидан маъқулланишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фақиҳ биринчи бўлиб ишдаги ҳукмни қиёсий нуқтаи назардан келтиргандан сўнг ундаги манфаатнинг устунлиги сабабли истеҳсонга ўтади. Шунинг учун истеҳсон далили кучлироқ, тўғрилиқ эҳтимоли яқинроқ ва шариатда кўзланган ниятга эришиш учун кафолати кўпроқ бўлади.

Шу сабабли ҳанафий мазҳабида оила қуришда истеҳсонни муқаддам қўйиш тамойилига алоҳида эътибор берилади. Бунга мисол қилиб ҳанафий мазҳабида никоҳ учун қиз болага валийнинг шарт қилинишини келтириш мумкин. Бунда валий деб қиз боланинг – гарчи у турмушга чиқиб кетса-да – ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи киши тушуни-

лади. Шунингдек, ажрашиш масалаларида қозининг ҳукми шарт қилинган бўлиб, бунда оилани сақлаб қолиш учун доим бир имконият ахтарадиган илмли кишининг фатвоси топилиб қолиши умид қилинган.

Шунингдек, бунга мисол тариқасида шаръий ечимга муҳтож воқеа-ҳодисаларга берилган фатвони келтириш мумкин. Бунда хотинига бир йил ўтмагунча уйи эшигидан чиқмаслиги, чиқса, талоқ қилиши ҳақида қасам ичган бир киши айтилган. Мужтаҳид уламоларимиз ўша кимсани бундай торликдан халос қиладиган ва оиласини бузилиб кетишдан сақлайдиган фатвони берган. Яъни у қасамини бузади ва бунинг учун каффорат беради. Алалоқибат хотинига талоқ тушмай, оила сақланиб қолади.

Ушбу мақолада ёритилган тинчлик ва ўзаро биродарликни мустаҳкамлаш, жамият манфаатларини энг биринчи ўринга қўйиш замирида чиқарилган фатволар мужтаҳид фақиҳларнинг фатволари денгизидан бир томчи, холос.

Бугунги кунда мусулмонлар орасига фитна ва тафриқалар тушишига сабаб бўлаётган, ижтимоий тармоқ орқали оқибати ўйланмай берилаётган фатволарнинг кўпайгани тин-

члик ва осойишталикни сақлашда муҳим омил бўлган салаф мужтаҳидларнинг фатволарини кенг миқёсда қайта ўрганиб чиқиш вақти келганидан дарак беради.

Мужтаҳид фақиҳлар жамиятга беқарорлик эмас, тинчлик, фаровонлик ва манфаат келтиришга алоҳида эътибор берганлар. Ҳар бир фатво шариат ҳукмлари асосида инсоний фазилатлар низомини асрашга хизмат қилиши лозим. Улар доимо шу нуқтаи назардан фатво чиқаришга ҳаракат қилганлар. Шу сабабли фақиҳларнинг кадр-қиммати доим баланд бўлган, фатволари асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Салаф мужтаҳид алломаларимизнинг фатволарини мушоҳада қилар эканмиз, бугунги кунда Ислом дини шиорлари бўлган ҳижрат, жиҳод каби сўзларни ниқоб қилиб, нотинчлик, беқарорлик ва бошбошдоқликка олиб борадиган фатволар бераётган ижтимоий тармоқ “муфтийлари”нинг тутган йўли ва мақсадлари қанчалар разил экани кундай равшан бўлади.



## **ТИНЧЛИК МОҲИЯТИНИ АНГЛАШНИНГ ТАЛАБЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ<sup>1</sup>**

Дунёда ижтимоий тинчликни қарор топ-тириш қонун устуворлигини англашни талаб қилади.

Сир эмаски, таълимнинг вазифаси одамларнинг саводини чиқариш ва ҳаётнинг кураш майдонига ижобий хислатлар билан кира оладиган авлодни тарбиялашдир. Зеро, ҳар қандай жамиятда маънавий мезон моддийликдан устун қўйилган. Воқеликка таъсир ўтказиш ва унинг ҳукмронлигини мутлақ қўлга олиш учун тинчлик тушунчасини умумлаштириш керак. Яъни тинчликни ҳамманинг мақсади, инсониятнинг биринчи талаби, жамиятнинг турли вакиллари ва барча динлар учун муштарак бўлган нарса деб эътиборга олиш зарур. Жамият орасида ўзаро меҳр-муҳаббат ва одоб-ахлоқни ёйиш керак. Чунки фикҳ ҳукмларини дин мақсадларидан ажратиш оқибатида юзага келган салбий тушунча қарама-қарши фикрлар тарқалишига

---

<sup>1</sup> Др.Тоййиб Лиманварнинг “Тинчлик моҳиятини англашнинг талаблари ва афзалликлари” номли мақоласи асосида тайёрланди.

олиб келади.

Қоидаларга асосланган ҳолда умумий мақсадлардан келиб чиқиб, “тинчлик фикҳи” масаласини шариат далиллари асосида кўриб чиқсак.

**Биринчи қисм. Тинчлик мақсадини тушуниш сабаблари ва шаръий ҳукмни англашда унинг таъсири.**

Ҳозирги вақтда ижтимоий тинчлик масаласи ҳақида гапириш ўзини тийиш каби осон иш ҳисобланади. Чунки бутун дунё тинчликка интилади, унинг фазилатлари ҳақида сўзлайди, унга даъват этади. Лекин ҳақиқат тинчликдан узоқроқ ва урушга яқинроқ кўринади. Мана шу ачинарли ҳақиқат тинчлик муаммосини ҳал қилишга ва унинг, айниқса жамиятда йўқлигининг сабабларини излашга ундайди. Тинчликка эришишга одамлар ўртасидаги тафовут ҳам, манфаатлари ва ҳис-туйғуларининг турлича бўлиши ҳам, хоҳишларининг фарқланиши ҳам тўсқинлик этмайди. Чунки бу тафовут ва фарқланишлар табиий ва фитрийдир. Тинч-тотув яшаш диннинг талабидир. Дин мутлақо фитрий мажбуриятларга зид эмас ва ҳеч қачон табиатан берилган нарсаларга мухолиф бўлмайди.

Шундай экан, мусулмонларнинг ҳолати ва

шароитини ҳисобга олган ҳолда унга ҳақиқий диний муолажа кўрсатилиши керак. Бу эса фақат диннинг асосларини чуқур ва пухта англаш билангина даволанади. Эҳтимол, тинчлик фикҳига олиб борувчи биринчи йўл атамаларни тушуниш ва у билан боғлиқ тушунчаларни идрок қилишдир.

Яккахудолик динларининг фазилатларни қарор топтириш борасидаги бирлиги муқаддас матнлар билан тасдиқланган ҳақиқатдир. Яҳудийлик ва насронийлик аниқ ва равшан матнларида Аллоҳга ширк келтирмаслик, ота-онага яхшилик қилиш, ўлчов ва тарозида ҳалоллик ва аҳдларни ҳурмат этишга чақирган. Ўзга жонни ноҳақ ўлдириш, зино, етимнинг молини ейиш, исрофгарчилик, тақаббурлик, мағрурланиш ва ёлғон гувоҳлик беришдан қайтарган. Муқобилида Ислом фазилатли амаллар билан безаниш ва ёмонликлардан сақланишни талаб қилган. Миллий ва умумижтимоий хавфсизликка интилган. Исломдан олдин яҳудий ва насроний динлари ҳам худди шу мақсадни кўзлаган. Уларнинг муқаддас матнларида ижтимоий хавфсизликни тарғиб қилишга қаратилган бир хил буйруқ ва тақиқлар белгиланган.

Яҳудийларнинг “Чиқиш ва Қонунлар” кито-

бида бундай келган: “Отанг ва онангни хурмат қил, токи Этанг Худо сенга берган юртда умринг узоқ бўлсин. Қотиллик, зино, ўғрилик қилма. Қариндошингга ёлғон гувоҳлик берма. Қариндошингнинг уйи ва аёлига кўз олайтирма. Унинг қулини, чўрисини, хўкизини, эшагини, унга тегишли бирон нарсани кўзлама”.

Насронийларнинг Инжили (“Матто ва Марк хушхабари”)да бундай дейилган: «“Абадий ҳаётни қўлга киритиш учун нима қилиш керак”, деб бир йигит Исо алайҳиссаломдан сўради? У зот: “Абадий ҳаётга киришни истасанг, васиятларга амал қил!” дедилар. У: “Қандай васиятлар?” деб сўради. У зот: “Жонни ўлдирма, зино, ўғрилик қилма, ёлғон гувоҳлик берма, ота-онангни хурмат қил ва қариндошингни ўзингдек яхши кўр”, дедилар».

﴿قُلْ تَعَالَوْا أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبِّيَ كُفْرًا بِآيَاتِي وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِنْ أُمَّلِكُمْ إِنَّكُمْ أَنْفُسَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تَأْتُونَ بِلِحَاقِكُمْ وَمَنْ أَوْلَىٰ أُولَٰئِكَ أَتَىٰ بِأَنْفُسِكُمْ وَاللَّهُ عَزِيزٌ عَلِيمٌ﴾

Қуръони каримда: «Айтинг: “Келингиз,

**Раббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: Унга бирор нарсани шерик этмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни қашшоқликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз – Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз – фаҳш ишларнинг ошкорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашмангиз, Аллоҳ таққиллаган жонни ноҳақ қатл этмангиз! Ақл юритишингиз учун (Аллоҳнинг) ҳукм қилгани шу(лар)дир”»<sup>2</sup>, деб айтилган.**

Имом Бағавий айтади: “Аллоҳ таоло набийларнинг барчасини дин, дўстлик, бирликни барпо қилишга чақириб, бўлиниш ва ихтилофни тарк этишни буюрди”.

Шундай қилиб, яккахудолик динлари ўртасидаги пировард мақсад нуқтаи назаридан умумийлик инсоният жамиятини ташкил этиш ва жамоат хавфсизлигига эришиш экани тасдиқланади. Мақсад одамларнинг осойишта, тинч ва хотиржам яшашидир. Бу йўлда зино, ёлғон гувоҳлик бериш ва бошқа шу каби жамиятда фитна кўзғатишга олиб келадиган ишлардан йироқ бўлиш зарурдир.

Диний нуқтаи назардан қараганда эътиқодда ҳам, хатти-ҳаракатларда ҳам тинчлик-

<sup>2</sup> Анъом сураси, 151-оят.

ни жорий қилиш учун ижтимоий хавфсизлик чораларини соддалаштириш керак. Аллоҳ таоло:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلَامِ كَافَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا  
خُطَوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ﴾

**“Эй иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича киринг ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизларга очик душмандир”<sup>3</sup>**, деди.

Тинчлик неъматининг дунёвий манфаатлари унинг устига барпо қилинадиган пойдеворлардан ҳисобланиб, улардан бири кўзғалса, манфаатлар кетиб, ўрнини бузгунчилик эгаллайди. Оқибатда инсонлар дунё саодати ва лаззатидан маҳрум бўлади. Бу саодат эса ижтимоий ва озуқавий хавфсизлик ва жисмоний соғлиқ ҳисобланади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Ким ўз уйида тинч-омон, танаси соғ, кунига етарли озуқаси бор ҳолида тонг оттирса, гўё унга дунё яхшиликлари берилгандек”<sup>4</sup>*, дедилар.

Барча яккахудолик динларида тинчликнинг аҳамияти очик-ойдин таъкидлангани

---

<sup>3</sup> Бақара сураси, 208-оят.

<sup>4</sup> Имом Бухорий. Адабул муфрад. Ж. I. – Б. 112.

ва умуминсоний кадрият ҳисобланишини инобатга олиб, тинчлик масалалари ва унинг муаммолари билан шуғулланиш ташвиши олимлар ва назариётчиларни ҳам ўйлантирса керак. Ҳатто ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳам катта эътиборини тортган. Шунга кўра, мусулмон жамиятида тинчлик муаммоси ҳал қилинувчи масаладир. Шунинг учун юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш ва унинг тадқиқотига профессионал университет олимлари томонидан мустаҳкам илмий усуллар ва мантиқий қоидалар билан мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлар, унга алоқадор бўлганларни тойилишдан ва тадқиқот натижаларини ёт мафкуралардан ҳимоя қилади.

Тинчлик муаммоси биринчи навбатда диний масала бўлгани учун уни фикҳий томонлама ҳал қилиш керак. Зеро, динлар учун фикҳнинг аҳамияти, худди баданларга тиббиётнинг заруратидек.

Фазилатли Шайх Абдуллоҳ ибн Байя фақиҳларнинг тинчлик тўғрисида келган оят, ҳадислардан чиқариб олган ҳукмларига эргашиб: “Тинчлик – тортишув ва урушдан сақланиш, дўстлик ва муҳаббатга интилиш”, деган хулосага келган. Бу фикҳий

таъриф бўлиб иккита бир-бирини тўлдирувчи жиҳатга эга: биринчиси, тортишув ва урушни тақиқловчи буйруқ, иккинчиси, дўстлик ва муҳаббатга ҳамда уларни халқ орасида тарқатишдан иборат ғоявий мақсад.

Олимлар ижтимоий хавфсизликка таҳдид соладиган унсурлардан бир қанчасини санаб, бу ишнинг мутлақо нотўғри йўл эканини оят, ҳадислар билан ҳам исботлаб берганлар. Жумладан, моддий, маънавий ва фикрий зўравонликка далиллар келтирганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

*“Мусулмон киши учун бошқа мусулмонни қўрқитиш ҳалол бўлмайди”<sup>5</sup>;*

*“Ким мўмин биродарига қурол ўқталса, уни фаришталар лаънатлайди”<sup>6</sup>;*

*“Қисқа сўз билан бўлса ҳам мўминнинг ўлдирилишига ёрдам берган киши пешонасига “Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлган” деб ёзилган ҳолида Раббига йўлиқади”<sup>7</sup>.*

Юқорида зикр этилган ҳар бир далилни мулоҳаза қилганда, зўравонлик баъзан моддий бўлиб, қотиллик, уруш ва жанжални ўз

---

<sup>5</sup> Имом Термизий ривояти.

<sup>6</sup> Имом Термизий ривояти.

<sup>7</sup> Байҳақий ривояти.



ичига олади. Гоҳида зўравонликка фикр ва режани тақдим қилиш орқали эришилади. Бу фитнага сабаб бўлади. Фитна эса ижтимоий тартибсизликлар ва хавфсизлик мувозанатининг бузилишига олиб келади. Муҳаммад Тоҳир ибн Ошур айтади: “Фитнанинг маъноси фикрларнинг бузилиши, ҳаракатларнинг нотўғри йўналтирилиши ва одамлар қалбида эҳтиёткорлик ҳамда ҳадик пайдо бўлишидир”.

Одамлар орасида дўстлик ришталарини боғлаш, меҳр-муҳаббатни ёйиш ижтимоий хавфсизликни барқарорлаштириш ва уни мустаҳкамлашга сабаб бўладиган унсурлар ҳисобланади. Умуман олганда, бу яккахудодликка эътиқод қилувчи барча динлар учун баробардир. Лекин ҳаёт шуни кўрсатадики, Ислом дини дўстлик ва биродарликни мусулмонларнинг ўзаро ва бошқалар ўртасидаги энг зарур бурчларидан бири қилиб қўйди. Бундан далолат берувчи оятлар жуда кўп. Жумладан, Аллоҳ таоло:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ  
وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾

**“Албатта, мўминлар динда ўзаро биро-**

**дардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб кўйингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз, шояд раҳм қилинсангиз”<sup>8</sup>**, деди.

Ислом қонунчилиги зўравонликни ҳаром қилиб, унинг юқорида зикр этилган ҳар бир тури учун хавфсизлик ва тинчликка таъсир қилиш даражасига кўра тегишли жазони таъинлади. Бироқ бу интизомий чора ўшандай қабоҳатларни ман қилиш, қотиллик ва безориликка жазо қўллаш, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш ва Унинг лаънатига дучор бўлишдан тушириб юборгани йўқ.

Ислом шариатининг умумий ва олий мақсади жамиятни тартибга солишдир, хавфсизлик ва тинчлик эса бу мақсадга эришиш, унинг давомийлиги ва узлуксизлиги учун асосдир.

Ислом халқ, давлат ва жамиятга қарши чиқишни мутлақо қоралайди. Бу чиқиш ҳокимиятга интилиш ё зўравонлик йўли билан ҳукмдорни ағдариш бўладими ёки жамоат хавфсизлигини бузиш, имомга бўйсунмаслик ва қонунга ҳурматсизлик қилиш орқали бўладими, фарқи йўқ. Ислом уни фикҳий истилоҳда “исён” жинояти, шаръий истилоҳда “безори-

---

<sup>8</sup> Хужурот сураси, 10-оят.

лик” жинояти деб номлади. Ислом жамоат хавфсизлигини бузиш жиноятларини ўзига хос тарзда муолажа қилди. Ижтимоий интизомни ўрнатди ва одамларни бирлаштириб, бирдамликка чақирди ҳамда фирқаланишдан қайтариб:

﴿وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا﴾

“Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони” (Қуръони)ни маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг”<sup>9</sup>, деб буюрди.

Аллоҳ таоло самовий динларнинг мазмуни бир эканини баён қилганидан сўнг инсоният жамиятида динни барпо қилишни шарт қилди.

﴿شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ كَبُرَ عَلَى الْمُشْرِكِينَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ اللَّهُ يَجْتَبِي إِلَيْهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ يُنِيبُ﴾

«(Аллоҳ) сизлар учун дин бўйича Нухга буюрган нарсани ва Биз сизга (Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога бу-

<sup>9</sup> Оли Имрон сураси, 103-оят.

юрган нарсани – шариат қилди: “Динни барпо қилингиз ва унда фирқа-фирқага бўлинмангиз!” (Эй Муҳаммад!) Мушрикларга сиз даъват қилаётган нарса (тавҳид) оғирлик қилди. Аллоҳ унга (динга) Ўзи хоҳлаган одамларни танлар ва Унга инобат қиладиган кишиларни ҳидоят сари йўллар»<sup>10</sup>. Аллоҳ таоло бандалари орасидан мусулмон бўлганини “Раҳмоннинг бандалари”, деб васф қилиб:

﴿وَعِبَادُ الرَّحْمَنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا﴾

“Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда “Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир”<sup>11</sup>.

Одамлар ўртасида тинчлик ва ҳимоя воситаларини йўлга қўйиш жамиятни бўлиниш, низо ва тарқоқликдан сақлайди. Шунинг учун Ислом фитна ва унинг сабабларидан қайтариб, ярашув, афв ва оқлаш ҳукмларини қўллашни ёқлайди. Аллоҳ таоло:

---

<sup>10</sup> Шўро сураси, 13-оят.

<sup>11</sup> Фурқон сураси, 63-оят.

﴿وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا  
فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا﴾

**“Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз!”**<sup>12</sup> деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Сизларга рўза, намоз ва садақанинг савобидан яхшироқ нарса айтайми?”* дедилар. Улар: *“Ҳа”*, деди. У зот: *“Орани ислоҳ қилиш. Зеро, оранинг бузилиши қирувчидир. Мен сочни қиради демаяман, балки динни қиради”*<sup>13</sup>, дедилар.

Ислом доим тинчликка буюради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Аллоҳ таоло ҳеч қачон бундан олдин ҳаром қилган фитнани ҳалол қилмади. Сизлардан бирингиз биродарининг олдига келиб салом беради. Сўнг-ра яна унинг олдига келиб, уни ўлдиради, бу қандай иш?”*<sup>14</sup> дедилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ислом дини буйруқ ва кўрсатмаларида ижтимоий ҳаёт ва инсонларнинг хавфсизлиги учун энг манфаатли қарорларни чиқарган. Юксак кадриятларни ҳурмат қилиш, одоб-

<sup>12</sup> Хужурот сураси, 9-оят.

<sup>13</sup> Абу Довуд ривояти.

<sup>14</sup> Табароний ривояти.

ахлоқ тамойилларига риоя этиш ҳамда аҳоли орасида ижтимоий хавфсизликни таъминлашни ҳимоя қилиб, мустаҳкамлайди. Бу масалалар самовий динларнинг барчасида бир хил акс эттирилган. Зеро, Аллоҳ таоло ҳамма пайғамбарларга инсонларни тинч-тотув, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат билан яшашга буюриб, ўзаро адоват, нафрат, зўравонлик, уруш каби разилликлардан қайтарган. Ақлли инсон ижтимоий хавфсизликка таҳдид соладиган омиллардан узоқ бўлиб, ҳар хил адашган тоифаларнинг ёлғонларига учмайди. Аксинча, мўътабар олимларнинг сўзларига қулоқ солиб, жамиятга фойда келтириш ҳаракатида бўлади.



## ТИНЧЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД БАЪЗИ ИСЛОМИЙ ТУШУНЧАЛАР<sup>1</sup>

Тинчлик – энг катта неъмат. Унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг зиммасидаги бурчдир. Самовий қонунлар ҳам, инсон томонидан ишлаб чиқилган қонунларда ҳам барча мақсадлар орасида тинчлик мақсади устувор этиб белгиланган. Зеро, бу дин ва дунё манфаатини ҳимоялаш учун зарурки, агар у йўқолса, оёқости қилинса, бу тўғрилиқка эмас, балки бузғунчиликка, бепарволикка, қанчадан-қанча жонлар бекорга нобуд бўлишига олиб келади.

Ҳеч кимга сир эмаски, диний матнлар тинчлик тамойилларига хизмат қилади. Афсуски, ундан турли бузғунчи ғояларни тарғиб этишда, тинчликни йўқ қилиш ва бузишда ниқоб сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Демак, диний матнлар тўғри тушунилса, оқилона ва тўғри хулқ-атвор юзага келади, уларни нотўғри тушуниш эса ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқаради. Бундан на

---

<sup>1</sup> Марокаш Қироллигидаги Ҳасан II университетининг олий таълим профессори, доктор Ҳасан Изкийтнинг “Тинчлик ҳуқуқидаги тушунчалар ҳақида: мақсадли ёндашув” номли мақоласи асосида тайёрланди.

шахс ва на жамият четда қолади.

Шайх Абдуллоҳ ибн Байя: “Модомики одамлар онгида уруш фикри туғилаверар экан, биз уларнинг онгида тинчлик қалъаларини куришимиз керак”, дейди.

Тинчлик ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари орасида биринчи ўринда туради. Чунки барча ҳуқуқлар тинчлик ҳуқуқининг бир шоҳидир. Илдизсиз шоҳнинг собит туриши мумкин эмас.

Тинчлик ҳуқуқи барча мақсадларнинг бошидир. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Байя: “У шариатнинг мақсадларидан бешта зарурат: дин, жон, насл-насаб, ақл ва мол-мулкни муҳофаза қилишни ўз ичига қамраб олади”, деган.

Бинобарин, тинчлик тамойилларига хизмат қилиш ва уларни сақлаш, аҳамиятини индивидуал шахс ва ижтимоий онгга сингдириш, бирор сабаб билан унга путур етказиш ёки барқарорлигига таъсир кўрсатишнинг барча кўринишларига қарши туриш учун бор куч ва ғайратни сарфлаш зарур.

Ислом мутафаккирлари бутун инсоният масалаларининг онаси ҳисобланган бу масалага хизмат қилиш йўлида катта саъй-ҳаракатларни амалга оширдилар. Натижада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ўрна-



тиш принципи учун тўсиқ бўлган кўплаб исломий тушунчалар шарҳларини ўз ичига олган асарлар ёзилди.

Аммо ҳозирги кунда ҳам ушбу исломий тушунчалар бошқа маънода қўлланиб, уларнинг асл мақсадига зид амаллар юзага келмоқда.

Ушбу мақолада бир қанча исломий тушунчаларнинг ҳақиқати ва мазмун-моҳиятига эътибор қаратилган. Бунда асосан ҳозирги кунда долзарб саналган учта тушунча ҳақида сўз боради.

### **Биринчи: халифалик тушунчаси**

Бу соф исломий тушунчадир. Диний китобларда халифалик масаласига намоз, рўза, закот ва ҳаж тушунчаларига ўхшаш алоҳида юридик мақом берилмаган. Бироқ баъзи тоифалар уни тўлиқ англамай, халифалик тизимини қайта тиклаш ҳақида тинмай ғўлдирайди. Матннинг асл моҳиятини тушунишдаги бу оғиш ҳар доим тинчлик ва барқарорликка путур етказди, зиддият ва низоларга олиб келади.

Сафина розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам-

нинг: “Мендан сўнг халифалик ўттиз йил. Ундан кейин подшоҳликлар бўлади”, деб айтётганларини эшитдим”.

Ушбу ҳадис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан бири бўлиб, унда айтилган хабар Расулуллоҳдан кейин ўттиз йил давомида ўз тасдиғини топди. Маълумки, Ислом тарихида тўрт халифа бўлган. Улар: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али розияллоҳу анҳум. Шу тўрт халифанинг мусулмонларга раҳбарлик даври ўттиз йилга тўғри келади. Улардан кейин халифалик тугаб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам башорат қилганларидек, подшоҳлик замони бошланди.

Шу сабабдан бугунги кунда халифалик барпо этишни даъво қилаётган кимсаларнинг талаблари ушбу ҳадисга номувофиқ бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзларга мутлақо зиддир.

Бу тушунча ҳақидаги исломий матнларнинг асосий ҳақиқати шуки, кимдаки тўғрилиқ, адолат ва лаёқат комил бўлиб, давлат ишларини ўз зиммасига олса, унинг номи қандай – халифа, султон ё подшоҳ – бўлишидан қатъи назар, раҳбар тайинлашдан иборат бўлган асосий мақсад амалга ошган бўлади.

Бунда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни поймол бўлишидан сақлаш асосий вазифа ҳисобланади.

### **Иккинчи: жиҳод тушунчаси**

“Жиҳод” сўзи луғатда инсон томонидан бор имкониятни ишга солиб, ҳаракат қилиш маъносини англатади.

Алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, “жиҳод” сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди. Уруш араб тилида бошқа иборалар билан ифода этилади. Асосан “қитол” калимаси ишлатилади.

Луғатдаги хусусиятидан келиб чиқиб, жиҳоднинг турлари ҳам кўпайган ва улар орасида душманга қарши жон-жаҳд билан жанг қилиш ҳам “жиҳод” дейилган. Аммо ушбу охирги маъно бошқаларидан устун келиб, кейинчалик “жиҳод” деганда фақат “қитол” тушуниладиган бўлиб қолган.

Аллоҳ таоло Исломнинг дастлабки босқичида мушриклар билан ақидавий тортишув қилиб турган Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга Фурқон сурасида қуйидагича хитоб қилади:

﴿فَلَا تُطِيعُ الْكَافِرِينَ وَجَاهِدْهُمْ بِهِ جِهَادًا كَبِيرًا﴾

**“Бас, Сиз кофирларга итоат этманг ва унинг (Қуръоннинг) ёрдамида уларга қарши қаттиқ курашинг!”<sup>2</sup>**

Демак, Қуръон билан катта жиҳод қилинган. Заррача ақли бор одам учун бунда уруш олиб бориш маъноси йўқлигини англаб олиши қийин эмас.

Исломда жиҳод уруш эмас, аввало, Аллоҳнинг динига сўз билан даъват қилиш маъносида келган.

Имом Термизий, Ибн Ҳиббон ва Дайлабий ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг Зотида ҳавойи нафсингга қарши жиҳод қилишингдир”*, деганлар.

Жиҳод ҳақидаги оятларнинг барчасини ўрганиб чиққандан сўнг маълум бўладики, Исломда жиҳод ҳукми шароитга қараб ўзгариб туради.

Жиҳод икки қисмдан иборат: талаб ва мудофаа.

Уламолар ҳозир талаб жиҳоди йўқлигига ижмоъ қилган. Чунки бугунги замонда ҳамма

---

<sup>2</sup> Фурқон сураси, 52-оят.

давлатлар урушмасликка келишган ва ўзаро алоқалар ўрнатиб, элчихоналар очган.

Мудофаа жиҳоди душманлар мусулмон юртга уруш қилиб, бостириб кирса, химоя учун бўлади.

Муқаддас Қуръони карим Исломнинг тинчликпарвар дин эканига етарлича далил бўлиб, тинчлик учун ҳар қандай ташаббус ёки имкониятга дарҳол жавоб беришга интилади. Аллоҳ таоло:

﴿وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلْمِ فَاجْنَحْ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

**“Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг! Албатта, У Эшитувчи ва Билувчидир”<sup>3</sup>**, деб марҳамат қилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо урушдан тинчликни афзал кўрганлар. У зотнинг сийратлари шундай эдики, кофирлардан кимки у зот билан сулҳ тузган бўлса, у билан уруш қилмаганлар. Бу сийрат, ҳадис, тафсир, фикҳ ва бошқа китобларда баён этилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жиҳод ва жанглари душманни йўқ қилиш

<sup>3</sup> Анфол сураси, 61-оят.

учун эмас, балки адолатсизликка барҳам беришга қаратилган. Бу душманни қайтариш учун қилинган жиҳод ёки кўшни давлатларни аҳдни бузиш ва чегарадаги хавфсизликка раҳна солиш фикридан қайтаришга қаратилган жиҳод бўлган.

Шу ўринда Ҳақ таолонинг куйидаги сўзининг маъносини англаб олиш лозим:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ عَدَّوْا لِلَّهِ وَعَدَّوْكُمْ وَآخِرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمْ﴾

**“Улар учун имконингиз борича (ҳарбий) куч ва отлик бўлинмаларни тайёрлаб қўйингиз! Бу билан Аллоҳнинг ва ўзингизнинг душманингизни ва улардан ўзга сиз билмайдиган (душман)ларни кўрқувга солган бўлурсиз”<sup>4</sup>.**

Бундан кўзланган мақсад шуки, мусулмонлар ўз хавфсизлиги нишонга олинмаслиги ва суверенитети поймол қилинмаслиги учун олдини олувчи воситалар ва ҳарбий кучга эга бўлиши керак. Шунда хавфсизлик мустаҳкам бўлиб, тинчлик ҳукм суради.

Камол ибн Ҳумом жиҳоддан мақсад дунё-

<sup>4</sup> Анфол сураси, 60-оят.

ни бузғунчиликдан озод қилиш эканини таъкидлаган<sup>5</sup>.

Буларнинг барчасидан жиҳоднинг ҳақиқатини “душманларни динга зўрлаб киритиш, уларни қонун ва ҳукмларга бўйсунушга мажбурлаш керак”, деган тасаввурда бўлганларнинг фикри нотўғри экани келиб чиқади.

Ҳақиқат шуки, Исломда динни мажбуран қабул қилдириш мумкин эмас. Чунки эзгуликка мажбурлаш солиҳ одамни ҳосил қилмаганидек, Исломга мажбурлаш ҳам инсонни мусулмон қилиб қўймайди.

Бу борада Қуръони каримда:

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ﴾

“Динга мажбурлаш йўқ”<sup>6</sup>, дейилади.

Ваҳба Зуҳайлий айтади: “Жиҳод – мусулмоннинг қўлидаги ақли восита. Бундан баъзи тоифалар дунёни назорат қилиш, ҳокимият ўрнатиш ва салтанатни кенгайтириш учун фойдаланмоқда”<sup>7</sup>.

Бугун ўзини чин мусулмон санаган айрим “жиҳодчилар” фитна қўзғаб, Исломнинг

<sup>5</sup> Камол ибн Хумом. Фатҳул кодир шарҳил Ҳидоя лил Марғиноний. – Қоҳира: Муҳаммад Мустафо, 1356/1937. IV-жуз. – Б. 288.

<sup>6</sup> Бақара сураси, 256-оят.

<sup>7</sup> Ваҳба Зуҳайлий. Осорул харби фил фикҳил исламий. – Дамашк: Дорул фикр, 1412/1992. – Б. 97.

ҳақиқатини суиистеъмол қилмоқда. Биз бунинг жиддий хато эканини кўрсатиш ва англлатиш учун конструктив ташаббусларни илгари суришимиз мақсадга мувофиқ.

### **Учинчи: биродарлик тушунчаси**

Биродарлик – яхлит жамият ўрнатиш учун одамларнинг алоқа ва муносабатларини мустаҳкамлайдиган ва диний асарларда келган юксак ахлоқий қадрият. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Сизлардан бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўрмагунича мўмин бўлмайди”*, деганлар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ушбу ҳадисларини шарҳловчилар бу ерда назарда тутилган “яхши кўриш” мусулмоннинг мусулмон биродарига бўлган яхши кўриши эканига иттифоқ қилган. Шу нуқтаи назардан бундай савол туғилади: яхши кўришнинг мусулмон бўлмаганларни ҳам қамраб олишига нима тўсқинлик қилади? Бундан ташқари у зот нима учун яна: *“Мусулмон – тили ва қўлидан мусулмонлар омонда бўлган кишидир”*, деганлар?

Бу умуман ғайримусулмонга тил ёки қўл билан зарар етказиш жоиз, дегани эмас.



Уламоларнинг айтишича, бу ерда мусулмонлар сўзи ғолибга эътибор нуқтаи назаридан қўлланмоқда. Бу гап мусулмонлар юртида, мусулмонлар жамоаси ичида айтилган. Бу мусулмонлардан бошқаларга озор берса бўлади, дегани эмас. Демак, мусулмон бўлмаганлар ҳам мусулмондан озор кўрмасин, дейилмоқчи<sup>8</sup>.

Ғайримусулмон ҳам инсондир. Ваҳоланки, шариатда ҳатто ҳайвонга ҳам озор бермаслик буюрилган.

Хайбар куни Пайғамбар алайҳиссалом Али розияллоҳу анҳуга: *“Аллоҳнинг сен орқали бир одамни ҳидоят қилиши сенга қизил туялар берилишидан яхшироқдир”*, дедилар. Яъни ғайримусулмонга ҳам яхши муносабатда бўлиш лозим. Балки Аллоҳ шу сабабли уни ҳидоятга бошлар. Зеро, Аллоҳ таоло:

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ  
وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ  
خَلَقْنَا تَفْضِيلًا﴾

**“Дарҳақиқат, Биз Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга)**

<sup>8</sup> Бадриддин Айний. Умдатул корий. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2001. I-жилд. – Б. 207.

**миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”<sup>9</sup>**, дейди.

Ояти каримада Аллоҳ таоло бандаларига Ўзи ато этган беҳисоб неъматларини эсла-тиш билан бирга, инсоннинг нақадар улуғ мавжудот эканига гувоҳлик берапти.

Ислом мусулмон кишини ғайридинни яхши кўриб, уни ҳидоятга даъват қилишдан тўсмайди.

Биродарликнинг асл ҳақиқатини имон ришталари доираси билан чеклаш ва бу риштадан ташқарида бўлганларни истисно қилиш гина ва кудуратни кўзгаши мумкин. Бу қалбларда тинчлик руҳиятини йўқотишнинг бир усулидир.

Аслида, Ислом ўз тарафдорларининг қалбида диний биродарликни ўрнатишга интилади, кейин эса инсоний биродарлик асосида бошқаларни ҳам қамраб олиш учун одамийлик доирасини кенгайтиришга интилади. Натижада хавфсизлик ва барқарорлик қалб тубига кириб боради ва бутун инсоният жамиятида тинчлик ҳукм суради.

---

<sup>9</sup> Исро сураси, 70-оят.

## ХУЛОСА

1. Одамларнинг қалбида тинчлик ҳақиқатини қарор топтириш зарур. Шунда тинчлик тамойили бутун жамият учун ҳақиқатга айланади.

2. Ислom ҳарбий тайёргарликни инкор этмайди, балки уни адолатли тинчликка эришиш воситаси деб билади ва мана шу чегаралар доирасидан ташқарисини маъқулламайди.

3. Тинчлик инсонпарварлик жамиятини барпо этишда ҳар томонлама ютуққа эришиш ва инсоният цивилизациясининг ривожига самарали ҳисса қўшиш йўлидир.

4. Ёшларга адашган оқимларнинг фитнаси ва бузғунчилигидан ҳимоя қилиш учун аслида тинчликка хизмат қилувчи юқоридаги исломий тушунчаларнинг ҳақиқий далилларини тушунтириш лозим.

5. Тинчликка хизмат қилиш йўлидаги илмий саъй-ҳаракатлар самарасини илмий тадқиқотлар доирасидан чиқариб, уларни жамиятнинг турли гуруҳлари ва қатламлари орасида ёйиш, ижтимоий мафкурага айлантириш, бу борада ижтимоий онгни шакл-

лантиришга барча фаол институтларни жалб этиш ва ушбу мақсадга эришиш учун бор саъй-ҳаракатларни ишга солиш зарур.



# ҚАЙДЛАР УЧУН

---

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Исломда тинчлик деганда нима тушунилади?..	7
Тинчлик шаръий мақсад, диний ва дунёвий заруратдир.....	16
Исломда бағрикенглик ва тинчликка тарғиб..	30
Мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари ўртасидаги муносабат: тинчлик устуворлиги.....	41
Оятлар билан ҳукм қилмаганларни кофирга чиқариш масаласида уламоларнинг қарашлари.....	57
Фикҳий манбаларда тинчликнинг тарғиб қилиниши.....	64
Тинчлик моҳиятини англашнинг талаблари ва афзалликлари.....	81
Тинчлик ҳуқуқига оид баъзи исломий тушунчалар.....	95
Хулоса.....	107

*Диний-маърифий нашр*

## ИСЛОМ ДИНИДА ТИНЧЛИК



### **Нашрга тайёрловчилар:**

А.Нематов, Н.Қобилов, Қ.Махмудов, О.Хурсандов,  
О.Бахриев, М.Хидиров, Р.Элмуродов, А.Шоназаров,  
Ҳ.Мирзоаҳмадов, Б.Мирзаев

Муҳаррирлар:      Отабек Муҳаммадиев,  
                                 Анвар Бобоев

Мусахҳихлар:      Аслиддин Мустафоев,  
                                 Санжар Джуманов

Саҳифаловчи-  
дизайнер:          Муҳаммадикбол Шукуров

Нашриёт лицензияси: АА № 0010 / 06.05.2019 й.

Босишга рухсат этилди: 30.10.2023 й.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 84x108 <sup>1/32</sup>  
“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усули.  
Босма табағи 7. Адади: 80 нусха. Буюртма 30-10.  
Баҳоси келишилган нархда.

141306, Самарқанд вилояти Пайарик тумани,  
Хўжа Исмоил шаҳарчаси. Тел.: (0366) 240-20-19.